

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 65+321+4

БОТИРОВ НАВРУЗ ОТАХОН ЎҒЛИ

**Қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан
қўллаб – қувватлаш йўллари**

5A420101 – “Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш” мутахассислиги
бўйича магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
и.ф.н., доцент Жўраев Т.И.

Тошкент – 2016

Магистрлик диссертацияси аннотацияси

Диссертация ишининг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан қўллаб қуватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, унга эришиш учун қуйидаги вазифалар ҳал қилинган: қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан қўллаб қуватлаш йўллариининг назарий-услубий асослари ўрганиб чиқилган; қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан қўллаб қуватлаш тизимининг ҳозирги ҳолати таҳлили олиб борилган; қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан қўллаб қуватлаш тизимини янада такомиллаштириш йўналишлари белгиланган.

Annotation to master's dissertation

The main purpose of research is to work out scientific suggestions and practical recommendations focused on developing the system to support factories by state, for this purpose following tasks are carried out: investigated the theoretical-methodical aspects of agriculture support system by state, analyzed the present situation of supporting the agriculture by state, given the key directions towards developing the supporting system agriculture by state.

The main purpose of research is to work out scientific suggestions and practical recommendations focused on improving the attraction of investment environment in industrial enterprises and the following tasks are carried out reaching the objectives: investigated the theoretical-methodical aspects of investment environment and investment activity; analyzed the present situation of improving the attraction of investment environment in industrial enterprises; determined key directions towards improving the attraction of investment environment in industrial enterprises.

Магистрлик диссертация иши “Қишлоқ хўжалигида менежмент” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

№12-сонли баённома « 23 »_май_ 2016 й.

Илмий раҳбар: Жўраев Т.И.
Ф.И.Ш. _____
ИМЗО

Магистр: Ботиров Н.О.
Ф.И.Ш. _____
ИМЗО

МУНДАРИЖА:

Кириш	3
I Боб. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмининг назарий-услубий асослари	
1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг моҳияти, зарурияти ва ўзига хос хусусиятлари.....	10
2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг шакллари ва усуллари.....	17
3. Ривожланган хорижий мамлакатларда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари.....	25
II Боб. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг амалдаги механизми таҳлили	
1. Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши динамикаси таҳлили	34
2. Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларга нарх белгилаш механизми таҳлили.....	52
3. Қишлоқ хўжалигини бюджет-солиқ ва молия-кредит механизмлари орқали қўллаб-қувватлашнинг амалдаги тизими.....	73
III Боб. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўлларини такомиллаштириш йўналишлари	
1. Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларга нарх белгилаш механизмини такомиллаштириш.....	90
2. Қишлоқ хўжалигини имтиёзли кредитлаш ва солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш йўллари.....	93
Хулоса	99
Адабиётлар рўйхати.....	107

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишида табиий омиллар таъсирининг юқорилиги билан бир қаторда қишлоқ хўжалигини агротехник, ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан давлат томонидан кўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади. Республика қишлоқ хўжалиги кўп даражада суғориладиган деҳқончиликка асосланганлиги учун ҳам давлатнинг бевосита аралашуви талаб этилади.

Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва тармоқнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида аграр тармоқнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун барча ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилмоқда. Бунинг натижасида йилдан-йилга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлиги мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида бу ҳақида тўхталиб: “Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш 2016-йил ва яқин истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастуримизнинг принципиал муҳим йўналишидир¹”, -деб таъкидлаб ўтдилар.

Ўтган 2015 йилда мамлакатимиз аграр секторининг деярли барча тармоқларида улкан ютуқ ва натижалар қўлга киритилди. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2015-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси – Т.: Ўзбекистон, 2016.

юксалтиришга имкон яратувчи шарт-шароитлар ичида тармоқни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари алоҳида аҳамият касб этади.

Аграр соҳада инвестицион жозибадорликнинг нисбатан пастлиги ва капиталнинг секин айланиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий–иқлимий шарт-шароитлар (жуғрофий жойлашув, об-ҳаво, экологик мувозанат ҳолати, сув тошқини, жала, дўл, курғоқчилик каби табиий офатлар) таъсирига кучли боғлиқлиги натижасида соҳада тадбиркорликни амалга оширишнинг ўта таваккалчиликка мойиллиги ҳукумат томонидан аграр сиёсатни олиб боришда ҳар томонлама пухта ўйланган ва тизимли ёндошувни талаб этади. Бундай сиёсат юритиш аграр соҳада бозорнинг салбий таъсирларини юмшатиш, тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш, узок муддатли иқтисодий ўсиш суръатларини ва мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини беради.

Шу билан бирга аграр тармоқда хўжалик юритишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш, бюджет-солиқ, молия-кредит ва нарх механизмлари орқали тартибга солиш ҳар қандай хўжалик юритиш шароитларида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Ваҳоланки, ҳозирги шароитда республикамизда давлат бошқарувининг марказий, ҳудудий ва маҳаллий даражасида қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бозор тамойилларига мос келувчи самарали тизимини шакллантиришнинг назарий-услубий асослари тўлиқ ўрганиб чиқилмаган. Бу борада ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва уларни мамлакатимиз шароитларига мослаштириб жорий этиш ишлари талаб даражасида эмас.

Шу муносабат билан турли шакллар, усуллар, механизмлар ва дастакларни қамраб олган, аграр соҳанинг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш ҳолатига мос келувчи, тармоқнинг рақобатбардошлиги ва ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашга имкон берувчи қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш тизимини

такомиллаштириш масалалари алоҳида долзарблик касб этиб бормоқда ва бу тизимни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишни талаб этмоқди.

Тадқиқот предмети ва объекти. Республикамизда фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалик корхоналари тадқиқот объектини ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан қўллаб қуватлаш тизимини янада такомиллаштириш жараёнида юзага келаётган ташкилий-иқтисодий, ҳуқуқий масалалари ва муносабатлар тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан қўллаб қуватлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Мазкур мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинди:

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг зарурияти, иқтисодий моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари, илмий ва амалий аҳамияти аниқланган;

- қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг назарий, илмий-услубий асослари ўрганилган ва умумлаштирилиб муайян бир тизимга келтирилган;

- ривожланган хорижий мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасидаги тажрибаларини тадқиқ этиш ва умумлаштириш асосида, уларни республикамиз шароитига мослаштириб қўллаш имкониятлари ўрганилган;

- республикамизда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан нарх, молия-кредит ва бюджет-солиқ, мақсадли давлат дастурлари ва инвестициялар каби механизмлар орқали тартибга солишнинг ҳозирги

ҳолати, хусусиятлари ва қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари аниқланган;

- қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўналишидаги давлат аграр сиёсатининг эволюцион босқичлари, асосий йўналишлари ва натижалари комплекс таҳлил қилинган ҳамда тегишли баҳо берилган;

- қишлоқ хўжалигини нарх, молия-кредит ва бюджет-солиқ механизмлари, мақсадли давлат дастурлари орқали қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришнинг устивор йўналишлари ва уларни амалга ошириш механизмлари тавсия этилган.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқот жараёнида кўриб чиқилган асосий масалалар қуйидагилардан иборат: қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди; қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш омиллари таҳлил қилинди, баҳоланди ва гуруҳланди; қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими статистик кўрсаткичлар орқали таҳлиллар амалга оширилди ва сабабий боғлиқликда хулосалар ясалди.

Диссертацияда ўз аксини топган, яъни қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш хусусидаги илмий хулосалар ва амалий тавсиялар мамлакатда аграр соҳа барқарорлигини ҳамда миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини ошириш имконини бериши мумкин.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш муаммолари ечимига қаратилган ишлар қаторида С.Абрамов, В.Бард, Р.Кемпбелл, В.Золотогоров, В.Ковалев, Д.Морозов, В.Черкасов ва бошқаларнинг илмий ишларини келтириш мумкин.

Мамалакатимизда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштиришнинг амалий жиҳатларини И.Каримов асарларида, шунингдек, Э.Юсупов, Ч. Муродов, Н.Хушматов,

Т.Фармонов, А.Жўраев, Р.Хусанов, А.Самадов ва бошқаларнинг илмий ишларида ёритилган.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи.

Монографик кузатиш, абстракт-мантиқий фикрлаш, гуруҳлаш, таққослама таҳлил, эксперт баҳолаш, башоратлаш ва бошқа иқтисодий-статистик таҳлиллар усуллари асос қилиб олинди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг назарий, услубий ва амалий натижалари ва хулосалари бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни янада мукамаллаштириш мақсадида фойдаланиш ва шунингдек, давлат томонидан уларни бозор муносабатларига ўтиш босқичлари талабларига мос тартибга солиб боришда қўл келиши билан муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотда ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсиялар миллий иқтисодиётда қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштиришда кенг фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Илмий ишнинг асосий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

- ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли ошиб боришига олиб келувчи шарт-шароитлар аниқланган;

- қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг кўп каналли тизими шаклланган ривожланган хорижий мамлакатларда аграр иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг замонавий тизими комплекс тадқиқ этилиб, илмий баҳо берилган ва умумлаштирилган;

- қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий тамойиллари тавсия этилган;

- қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг шакллари, усуллари, механизмлари ва дастакларини (регуляторларини) ўз ичига олган тизимли таркиби таклиф этилган;

- қишлоқ хўжалигининг ривожланиш динамикаси ва тармоқни давлат томонидан тартибга солиш самарадорлиги баҳоланган;

- қишлоқ хўжалигида ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашга йўналтирилган қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг устивор йўналишлари (меъёрий-ҳуқуқий таъминот, молия-кредит, бюджет-солиқ ва нарх, мақсадли дастурлаш ва инвестиция) механизмлари орқали қўллаб-қувватлаш асосланган.

Тадқиқотнинг алоҳида олинган назарий ва амалий натижаларидан олий ўқув юртларининг “Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги)” бакалавриат таълим йўналишининг “АСМ иқтисодиёти”, “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, “Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш” ва “Фермер ва деҳқон хўжаликлари иқтисодиёти” фанларини ўқитишда, шунингдек, қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари ва мутахассисларининг малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган.

Диссертация ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, услубий асослари ёритиб берилган.

Диссертация ишининг биринчи боби “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмнинг назарий-услубий асослари” деб номланиб, қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат қўллаб-қувватлашнинг зарурияти, моҳияти ва хусусиятлари, бу муносабатларни амалга ошириш шакллари, усуллари, механизмлари ва дастаклари тадқиқ этилган ҳамда назарий–услубий

жиҳатдан ягона тизимга келтирилган.

I-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МЕХАНИЗМИНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг моҳияти, зарурияти ва ўзига хос хусусиятлари

Бозор муносабатларини шакллантиришнинг асосий йуналишларидан бири бўлган кўп укладли иқтисодиёт республикамизда тобора ривожланиб бормокда. Давлатнинг иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш соҳалари жуда кенг ва хилма-хил эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, ҳар бир соҳанинг ўзига хос хусусиятларига мос келувчи давлат иқтисодий сиёсатини шакллантириш лозим бўлади. Биз ушбу бўлимда илмий тадқиқотнинг мақсадида келиб чиқиб қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш хусусиятларини чуқурроқ тадқиқ этишни мақсад қилиб қўйганмиз.

Республикада ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш ва бозор иқтисодиёти қонунларини кенг жорий этишда иқтисодиётнинг муҳим тармоғи ҳисобланган қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар хусусий мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш шакллари ривожлантириш ва меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш заруриятини даставвал мамлакат иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларидан бири - қишлоқ хўжалиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда қарамоқ мақсадга мувофиқдир.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижаларини таҳлил қилиш ва мамлакатимиз ҳамда хорижий мамлакатлардаги етакчи иқтисодчи олимларнинг тадқиқотларини ўрганиш

шуни кўрсатдики, бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигининг ўзига хос бўлган бир қатор хусусиятлари таъсирида аграр тармоқдаги хўжалик юритиш субъектлари фаолиятини тартибга солишда давлатнинг роли муҳимлигича қолмоқда. Аграр тармоқда хўжалик юритишнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини яратиш, солиқ, молия-кредит ва нарх механизмлари орқали тартибга солиш ҳар қандай хўжалик юритиш шароитларида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Иқтисодиётнинг асосий секторларидан бири бўлган аграр соҳа ривожланишининг ҳозирги ҳолати, тармоқ инвестицион жозибадорлигининг нисбатан пастлиги, капиталнинг секин айланиши, қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик билан шуғулланишнинг ўта таваккалчиликка мойиллиги ҳукумат томонидан аграр сиёсатни олиб боришда ҳар томонлама пухта ўйланган ва тизимли ёндошувни талаб этади. Бундай сиёсат юритиш аграр соҳада бозорнинг салбий таъсирларини юмшатиш, тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш, узоқ муддатли иқтисодий ўсиш суръатларини ва мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини беради.

Эркин бозор тарафдорлари аграр соҳага хос бўлган бир қатор хусусиятларга (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорида соф рақобат имкониятларининг мавжудлиги, аграр ишлаб чиқаришга хос бўлган табиий – биотехнологик омиллар фермердан мустақил қарорлар қабул қилишни талаб этиши ва бошқ.) таяниб, бу тармоқда эркин бозор мунсабатлари амал қилиши учун қулай шарт-шароитлар мавжуд деган ғояни илгари сурадилар.

Аммо, республикамиз бозор муносабатларига ўта бошлаганидан бери тўпланган тажрибалар қишлоқ хўжалигини давлатнинг фаол аралашувисиз ривожлантириб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Мутахассисларнинг фикрича: «...бозор механизми аграр соҳада ҳам ҳамма масалаларни ҳал қилаолмайди. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодиётнинг аграр сектори бозор шароитида алоҳида ўрин тутаяди ва давлат томонидан

кўллаб-қувватланмасдан туриб соҳалараро рақобатга бардош бераолмайди»².

Шунингдек, “..чет эл тажрибаларини ўрганиш мақсадида олиб берилган изланишларнинг кўрсатишича, бозор иқтисодиёти шароитида аграр ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, қишлоқ хўжалигининг иш юритиш қобилияти, қишлоқ жойлардаги ижтимоий соҳанинг нисбатан барқарорлиги хилма-хил усуллар ва воситаларга эга бўлган, кенг кўламли ва ҳар бир соҳага чуқур кириб бора оладиган давлат бошқаруви билан таъминланганликка боғлиқ³”.

Америкалик иқтисодчи – олимлар К.Р. Макконнел ва С.Л.Брюлар давлатнинг аграр соҳага фаол аралашуви заруриятини куйидаги муаммоларга боғлайдилар:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўлган талабнинг ноэластиклиги;
- техник ривожланиш натижасида фермерлар маҳсулотларининг талабдан ошиқча ишлаб чиқарилиши;
- қишлоқ хўжалик ресурсларининг нисбатан иммобиллик хусусияти;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида соф рақобат кураши ҳукм сурган ҳолда, унга ресурслар етказиб берувчи бозорларда монополия элементларининг мавжудлиги⁴.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш – хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатувчи омилларнинг серқирралиги ва мураккаб тизимдан иборатлиги фермер хўжалигининг самарали фаолият кўрсатиш имкониятларини чеклайди. Хусусан, ишлаб чиқариш табиий омилларнинг бир қисмини (об-ҳаво, табиий иқлим шароити ва х.к.) бошқариш фемернинг имкониятлар

² Р.Ҳ.Хусанов, М.Қосимов, «Дехқон хўжалигини юритишнинг илмий ва амалий асослари», Т.:«Чўлпон», 2000, 74 б.

³ Назарова Ф. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон аграр секторини ривожлантириш истиқболлари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация ишига автореферат. - Тошкент, 2001, 23 б.

⁴ Кемпбелл Р. Макконнелл, Стенли Л. Брю, “Экономикс”, М.: ”Республика”, 1992, 241 с.

доирасидан ташқарида бўлиб, уларни олдиндан режалаштириб ёки олдини олиб бўлмайди. Аммо, бу омилларнинг қўлай ёки ноқулай шароитларда келиши хўжаликнинг якуний молиявий натижаларига кучли таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқаришнинг табиий иқлим шароити, (жонли организмлар жуғрофий муҳит ва об-ҳавога боғлиқлиги) улар фаолиятини рағбатлантириш ва суғурталаш каби бир қатор ҳимоя воситаларини яратишни талаб қилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари манфаати томонидан ёндошсак, йил давомида маҳсулот етиштириш учун сарфланган харажатлар табиий офат ва қурғоқчилик туфайли бекорга совурилиши мумкин. Бундай пайтларда қишлоқ хўжалиги корхоналари кўрган зарарини қисман бўлсада қопламаслик келгуси йил ҳосилига ҳам таҳдид солади. Об-ҳавонинг ноқулай келиши нафақат қишлоқ хўжалиги тармоғида балки, бутун мамлакат миқёсида ҳам қийинчиликлар туғдириши мумкин. Озиқ-овқат танқислиги вужудга келмаслиги учун давлатнинг махсус захиралари бўлиши мақсадга мувофиқ. Ҳосил мўл бўлган йилларда давлат озиқ-овқат маҳсулотларининг талабдан ошиқ қисмини деҳқонлардан харид қилиб, махсус омборларда сақлаш ва об-ҳаво ноқулай келиб танқислик вужудга келган йиллари бу захиралардан талабни қондириш мақсадида фойдаланиши мумкин. Бу тадбир ҳозирги вақтда дунёнинг бир қатор илғор давлатларида қўлланиб келинади ва ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий-иқлимий шароитларга боғлиқлиги бу тармоқда нархлар ва қишлоқ хўжалиги корхоналари даромадининг барқарорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Масалан, қулай об-ҳаво шароитида бозорга талабдан ортиқча маҳсулотнинг кириши нархларнинг кескин пасайишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатни кўпроқ ғалла, сабзавот, полиз, мева ва узум маҳсулотлари бозорида кузатиш мумкин. Баъзан нархларнинг бундай пасайиши маҳсулот таннархини қоплашга ҳам имкон бермаслиги оқибатида қишлоқ хўжалиги корхоналари катта зарар кўради. Табиийки,

бундай шароитларда аграр соҳада эркин бозор муносабатлари амал қилаётган бўлса, қишлоқ хўжалиги корхоналари хонавайрон бўлиши турган гап. Иккинчи бир йили об-ҳавонинг ноқулай келиши (қурғоқчилик, сел, жала ва ҳоказо) ҳосилнинг кескин камайиб кетишига ва натижада нархларнинг ҳаддан ташқари қимматлаб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳосилнинг камайиб кетишидан зарар кўрсалар, истеъмолчилар нархларнинг баландлигидан азият чекадилар. Кўриниб турибдики, ҳар иккала ҳолда ҳам қишлоқ хўжалиги корхоналари кўпроқ зарар кўради ва бу ҳолат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш заруриятини юзага келтирувчи омиллардан бири сифатида юзага чиқади.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари биологик жараёнлар билан боғлиқлиги туфайли тез бузилувчан бўлади. Уларни узоқ муддатда сақлаш ёки олис масофаларга тешиш имкониятлари анча чегараланган. Қишлоқ хўжалиги корхоналаридан фарқли равишда “саноат, савдо ёки хизмат кўрсатиш корхоналари ўз маҳсулотларига нарх белгилашда анча қулай мавқега эга. Чунки, уларни истеъмолчи сўраётган нарх қониқтирмаса, токи бозорда қулай вазият вужудга келгунга қадар товарларини сотмай сақлаб туриш мумкин. Қишлоқ хўжалиги корхоналари эса сабзавот, мева ёки сут каби тез бузилувчан маҳсулотларни бозорда қулай вазият келиши кутиб, узоқ вақт ушлаб тураолмайдилар. Бу хил маҳсулотлар маълум муддат ўтгандан сўнг ўзининг истеъмол қийматини йўқотиши мумкинлиги сабабли фермерлар бозорда ташкил топган нархлар даражаси билан қаноатланишга мажбур бўладилар⁵”.

Одатда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг ўзгариши унчалик катта бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб жуда паст эластикликка эга. Мутахассисларнинг ҳисобларига кўра: “индустриал давлатларда қишлоқ

⁵ Салимов Б.Т., Юсупов М.С. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди: ўқув қўлланма// -Т.: Адиб нашриёти, 2009, 164 б.

хўжалиги маҳсулотларининг эластиклиги коэффиценти ўртача 0,20 – 0,25 ни ташкил этади, яъни маҳсулот сотиш ҳажмини 10 %га ошириш учун фермерлар нархларни 40 - 50 % пасайтиришлари лозим бўлади”⁶.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари харид қиладиган саноат маҳсулотлари (техника, минерал ўғит, ёқилғи ва ҳ.к.) нархлари эса кўп ҳолларда тез суръатларда ўсади. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятининг иқтисодий самарасини пасайтиради ёки умуман зарарли қилиб қўяди. Бундай ҳолат ҳеч бир мамлакат манфаатига мос тушмайди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш зарурияти қишлоқ хўжалигида капитал айланишининг хусусиятларидан ҳам келиб чиқади. Маълумки, саноат, савдо, молия бозорлари каби бир қатор тармоқларда капитал айланиши қишлоқ хўжалигига нисбатан бир неча марта юқоридир. Капитал қанча тез айланса, шунчалик кўп фойда келтириши туфайли қишлоқ хўжалигида капиталнинг секин айланиши бу тармоққа инвестиция имкониятларини кескин чегаралайди. Кўпчилик қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун дастлабки капитал ҳажми етарли бўлмайди. Банк кредитларидан фойдаланиш имкониятлари гаровга қўйиладиган мол-мулк етишмаслиги оқибатда чегараланган. Кўп ҳолларда бундай кредитлар қисқа муддатли бўлиб, кўпроқ айланма маблағларга сарфланади.

Шунингдек, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш тармоқларини барпо этиш, ишлаб чиқаришни техник қуроллантириш, фан-техника ютуқлари ва илғор технологияларни жорий этиш, экологик вазиятни барқарор ушлаб туриш каби муҳим тадбирларни амалга ошириш учун йирик капитал маблағлар талаб этиладики, бу тадбирларни ёлғиз қишлоқ хўжалигининг маблағлари

⁶ Серова Е.В. Аграрная экономика: учебник. –М.: ГУ ВШЭ, 1999, 17-18 стр.

ҳисобидан амалга ошириб бўлмайди. Бунинг учун давлат бюджети ҳисобидан махсус маблағлар ажратилиши мақсадга мувофиқ.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан тартибга солиб туришни талаб қиладиган яна бир омил уларнинг даромадлари миқдори билан боғлиқ. Фермер хўжаликлари даромадлари иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги корхоналарга нисбатан орқада қолиш тенденциясига эга. Бу ҳолат фермер хўжалиги маҳсулотларига нархларнинг пасайиб кетмаслигини таъминлаш вазифасини келтириб чиқаради.

Албатта қишлоқ хўжалигини тартибга солиб туриш тўғрисида гап борганда уларнинг фаолиятига давлатнинг бевосита аралашуви ҳақида эмас, балки давлатнинг ўз кўлидаги маъмурий, иқтисодий ва институционал дастаклар билан қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига таъсир кўрсатиши ҳақида гап бораётганини унитмаслик лозим.

1.2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг шакллари ва усуллари

Илмий изланишлар натижалари ва миллий иқтисодиётнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда давлатнинг аграр иқтисодиётни тартибга солишдаги асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин:

1. Маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш вазифаси – қишлоқ хўжалигининг ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа асосларини тартибга солиб турувчи қонуний-меъёрлар ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва уларга риоя этилишини назорат этишни назарда тутати.

2. Ҳуқуқий ҳимоялаш ва кафолатлаш вазифаси – қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан тенг шароитларда фаолият юритишини таъминлашга ва улар фаолиятига турли назорат этувчи ҳамда текширувчи органларнинг ноқонуний аралашувларини чеклашга имкон берувчи қонуний-меъёрий

асосларни яратиш ва уларга риоя этилишини назорат этишни назарда тутати.

3. **Барқарорлаштириш вазифаси** – аграр иқтисодиётда инқирозли ҳолатларни бартараф этиш, ишлаб чиқаришнинг пасайишига йўл қўймаслик, инфляция ва ишсизлик даражасини камайтириш, қишлоқ хўжалиги тармоқлари таркибининг мутаносиблигини таъминлаш билан боғлиқ.

4. **Рағбатлантириш вазифаси** – қишлоқ хўжалигини, шунингдек уларга хизмат кўрсатувчи тармоқлар фаолиятини турли иқтисодий дастаклар ёрдамида рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш чораларини ифодалайди.

5. **Тақсимлаш вазифаси** – ижтимоий адолат ва ҳимоялаш воситаси сифатида даромадларни қайта тақсимлаш, шунингдек қишлоқ хўжалигининг моддий-техникавий ресурслардан имтиёзли асосларда фойдаланишига шароит яратиш мақсадида ресурслар тақсимотида тузатишлар киритиш билан боғлиқ.

6. **Ижтимоий кафолатлаш вазифаси** – ижтимоий таъминот ва ҳимоялашнинг самарали тизимини яратиш, шунингдек қишлоқ хўжалигининг таълим, соғлиқни сақлаш ва маданий тадбирларга бўлган эҳтиёжини қондириш билан боғлиқ чора-тадбирларни ўз ичига олади.

7. **Муҳофаза қилиш вазифаси** – қишлоқ хўжалигини салбий характердаги ташқи таъсирлардан (масалан, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг шўрланиши, қурғоқчилик ёки табиий-офатлар ва бошқ) сақлаш, товар ишлаб чиқарувчиларини ташқи экспортёрлардан ёки жаҳон бозоридаги кучли рақобатдан ҳимоялаш каби вазифалардан иборат.

8. **Назорат этиш вазифаси** – қонуний-меъёрий ҳужжатлар, ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш билан боғлиқ.

9. **Ахборот-маслаҳат таъминот вазифаси** – қишлоқ хўжалигининг ахборот таъминоти тизимидан тенг шароитларда, тўсиқларсиз фойдаланиш имкониятини яратиш улар учун иқтисодий муаммоларнинг самарали ечимини топиш, хом-ашё ва ресурслар таъминоти, илғор техника ва технологияларни қўллаш юзасидан маслаҳатлар беришни назарда тутди.

10. **Ташқи иқтисодий фаолиятни муқобиллаштириш вазифаси** – халқаро бозорларда фермер хўжаликлари манфаатларини ҳимоялаш, имтиёзли божхона таърифлари ва солиқлар орқали экспорт учун қулай иқтисодий муҳит ҳосил қилиш тадбирларидан иборат.

11. **Истиқболни белгилаш вазифаси** – аграр тармоқ ва қишлоқ хўжалигини истиқболда ривожлантиришнинг устивор йўналишларини белгилаш чораларини изчил амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Давлатнинг иқтисодиётни қўллаб-қувватлашдаги асосий вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш унинг иқтисодий имкониятлари, яъни салоҳияти даражасидан келиб чиқади.

Давлат ўзининг қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги вазифаларини бир қатор тамойиллар орқали амалга оширади:

- **мувофиқлик тамойили** – давлат аграр сиёсатининг макроиқтисодий сиёсат йўналишларига мос келиши;

- **ягоналик тамойили** – мамлакатнинг бутун ҳудудида давлатнинг ягона аграр сиёсатини юритиш;

- **тенглик тамойили** – давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастурларида иштирок этишда мамлакатдаги барча қишлоқ хўжалигининг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш;

- **тизимлилик тамойили** – давлат томонидан тартибга солишнинг қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари ва фаолият турларини камраб олувчи турли шакллари, усуллари, механизмлари ва дастакларидан фойдаланиш;

- **ихтиёрийлик тамойили** – қишлоқ хўжалигининг давлат

томонидан қўллаб-қувватлаш дастурларида мутлақо ихтиёрийлик асосидаги иштирокини таъминлаш;

- **зарурият ва етарлилик даражасида аграр протекционизм** (аграр соҳада миллий товар ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялаш) – ташқи иқтисодий фаолият ва тармоқлараро муносабатларда фермер хўжаликларига имтиёзлар бериш ва уларни ички бозорларда импорт рақобатидан ҳимоялаш;

- **паритетни сақлаш тамойили** – қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари орасидаги ўзаро эквивалент айрибошлашнинг бузилишига йўл қўймаслик;

- **самарадорлик тамойили** – давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирларининг мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини кафолатли таъминлаш, аграр иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва қишлоқ аҳолисининг турмуш сифатини яхшилаш мақсадларига хизмат қилиши;

- қўллаб-қувватлаш чораларининг **табақаланган ҳолда қўлланилиши**;

- давлат томонидан тартибга солишда **иқтисодий усулларга устиворлик бериш**;

- давлат аралашувининг **рағбатлантирувчи йўналишга эгаллиги**;

- қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқлари ходимларининг **даромадларини яқинлаштириш**;

- **индикатив ва мақсадли-дастурий тартибга солиш** усулларида фойдаланиш;

- хўжалик фаолиятига давлат тузилмаларининг **бевосита аралашувига йўл қўймаслик** ва хўжалик юритиш эркинлигини **кафолатлаш**;

- давлат томонидан молиявий ва бошқа қўллаб-қувватлашнинг **доимий кафолатланиши**.

Фикримизча бу тамойилларга амал қилиш аграр тармоқда фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш ва рақобатбардошлигини юксалтиришга ҳамда шу орқали мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга имкон яратиши мумкин.

Илмий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, давлатнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги фаолияти маълум бир **шакллар ва усуллар** асосида олиб борилади. Иқтисодий адабиётлар ва илмий тадқиқотларда аграр иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш шакллари ва усуллари тўғрисида турли ёндошувлар мавжуд. Кўпчилик иқтисодчи-олимлар аграр иқтисодиётни тартибга солиш усуллари асосан иккига, яъни маъмурий ва иқтисодий усулларга ажратадилар. Бизнинг назаримизда тартибга солиш **шакллари** ва **усуллари** маълум бир **механизмлар** орқали, улар эса ўз навбатида **регулятор** деб аталувчи давлат бошқарувининг **махсус дастаклари** орқали ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бошқа жараёнларга ўз таъсирини ўтказади.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаларидан келиб чиққан ҳолда давлатнинг фермер хўжаликлари фаолиятига **бевосита** ёки **билвосита** шаклдаги таъсирини **маъмурий-ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва таркибий-институционал усулларга** ажратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз (1 - жадвал).

Билвосита усуллар ёрдамида давлатнинг иқтисодиётга таъсири хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини иқтисодий дастаклар ёрдамида тартибга солишни кўзда тутди. Яъни, бунга давлат иқтисодий субъектлар томонидан қарорлар қабул қилиш жараёнига тўғридан-тўғри аралашмасдан, бу қарорларни давлатнинг иқтисодий сиёсатига мос бўлишини рағбатлантиради.

Давлат ўзининг реал ҳокимияти кучидан фойдаланган ҳамда қишлоқ хўжалигини **маъмурий-ҳуқуқий усуллар** ёрдамида тартибга солса, **иқтисодий, ижтимоий ва таркибий-институционал усуллар** ёрдамида уларни қўллаб-қувватлаш чораларини амалга оширади.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг шакллари, усуллари, механизмлари ва дастаклари (регуляторлари)

Асосий тушунчалар	Асосий тушунчалар мазмуни	Турлари
Шакллари	Бошқарув объекти томонидан бошқарилувчи объектга таъсир кўрсатишнинг асосий хусусиятлари	<ol style="list-style-type: none"> 1. Бевосита – давлат бошқаруви органлари томонидан бошқарилувчи объектга тўғридан-тўғри ташкилий таъсир кўрсатиш усуллари йиғиндиси. 2. Билвосита – хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш усуллари йиғиндиси
Усуллари	Маълум бир қоидалар ва тамойиллар асосида бошқарув субъектининг объектга таъсир ўтказиш йўллари тизими	<ol style="list-style-type: none"> 1. Маъмурий-ҳуқуқий – хўжалик юритиш субъектлари фаолиятини меъёрий-ҳуқуқий актлар орқали тартибга солиш ва назорат қилиш. 2. Иқтисодий – бошқарилувчи объектнинг иқтисодий манфаатлари тизимига таъсир ўтказиш орқали қўллаб-қувватлаш чоралари. 3. Ижтимоий – бошқарув объекти фаолиятини тартибга солишнинг ижтимоий механизмлари йиғиндиси, ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш тизими. 3. Таркибий-институционал – тармоқ ва ишлаб чиқариш таркибини оптималлаштириш, институционал тузилмалар орқали тартибга солиш.
Механизмлари	Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга ошириш-нинг турли дастаклари (регуляторлари) йиғиндиси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Маъмурий-ҳуқуқий усул механизмлари: қонуний-ҳуқуқий тартибга солиш, ташкилий таъсир ўтказиш, регламентлаш, стандартлаш, назорат, квоталаш, меъёрлаш, лицензиялаш. 2. Иқтисодий усул механизмлари: бюджет-солиқ, молия-кредит, валюта, нарх, суғурта, божхона, ташқи иқтисодий, мақсадли дастурлаш ва инвестиция. 3. Ижтимоий усул механизмлари: меҳнатни тартибга солиш, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий таъминот, ижтимоий суғурта, ижтимоий инфратузилмалар. 4. Таркибий-институционал усул механизмлари: оптималлаштириш, илмий-техник, кадрлар ва ахборот-маслаҳат, институционал қўллаб-қувватлаш.
Дастаклари (регуляторлари)	Бошқарув объектига ёки ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир қилиш, у ёки бу давлат сиёсати механизмлари-ни ҳаракатга келтириш ва амалга ошириш воситалари	қонунлар, фармонлар, қарорлар, низомлар, йўриқномалар, стандартлар, квоталар, тарифлар, лицензиялар, ҳисобот шакллари, меъёрлар, санкциялар, шартномалар, қайта молиялаш ставкаси, лизинг, кредит, фоиз ставкалари, давлат буюртмаси, ижара, харид нархлари, божхона тарифлари, солиқ ставкалари, амортизация меъёрлари, мақсадли дастурлар, субсидия, дотация, инвестициялар, индикатив режалар, инфратузилмалар, илмий марказлар, институционал тузилмалар

Манба: Б.Т.Салимов, М.С.Юсупов. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш: илмий монография. –Т.: Иқтисодиёт, 2011 й, -45 б.

Маъмурий-ҳуқуқий усуллар қишлоқ хўжалигининг нормал фаолият кўрсатиши учун қонуний-меъёрий шарт-шароитларни вужудга келтириш билан боғлиқ чора-тадбирлар мажмуасини ўз ичига олади.

Иқтисодий усуллар ёрдамида давлат бозор жараёнларининг ривожланишини давлатнинг иқтисодий сиёсатига мос йўналишга солиш учун таъсир этиш чораларини қўллайди.

Иқтисодий жараёнларни давлат томонидан тартибга солишнинг маъмурий усуллари бозор хўжалигининг ўз-ўзини бошқариш механизмига қаршилиқ қилса, иқтисодий усуллар улардан фаол фойдаланишни рағбатлантиради.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий усуллари қуйидаги тизимлардан ташкил топади:

- нарх сиёсати;
- бюджет – солиқ тизими;
- молия-кредит тизими;
- инвестиция тизими;
- ташқи иқтисодий фаолиятни муқобиллаштириш;
- иқтисодий режалаштириш, мақсадли дастурлаш ҳамда истиқболни

белгилаш.

Бюджет–солиқ тизими – қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали дастакларидан бири ҳисобланади. Давлат бюджетининг ҳаражатлар қисми орқали кам ҳосилли ва кучли шўрланган ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини молиялаштириш, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид этиш, фан-техника тараққиётини қўллаб-қувватлаш, қишлоқ жойларда ижтимоий соҳани ривожлантириш, аграр тармоқда амалга ошириладиган мақсадли давлат дастурларини молиялаштириш ва марказлашган инвестицияларни йўналтириш мумкин бўлади.

Солиқ тизими давлат бюджетини шакллантиришнинг энг асосий манбаи бўлиши билан бирга, унинг иқтисодий фаолиятини рағбатлантирувчи (солиқ имтиёзлари ва бошқ.) вазифаси ҳам мавжуд. Қишлоқ хўжалигини имтиёзли солиққа тортиш айнан шу дастак орқали амалга оширилади.

Молия-кредит тизими давлатнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга таъсир кўрсатиш механизмларидан биридир. **Молия-кредит тизими** орқали қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлашнинг дастаклари сифатида:

- фермерларга имтиёзли шартларда мақсадли кредитлар бериш;
- кредит беришнинг юқори чегараларини белгилаш;
- тижорат банкларини қайта молиялаш меъёрларини тартибга солиш;
- кредитлар бўйича фоиз ставкаларини тартибга солиш;
- кредитлар учун гаров таъминотига кафиллик бериш;
- кредит фоизларининг даражаси устидан бевосита назорат ўрнатиш тадбирларини келтириш мумкин.

Иқтисодий режалаштириш, дастурлаш ҳамда истиқболни белгилаш (прогнозлаш) орқали давлат иқтисодий жараёнларга билвосита таъсир кўрсатади ва улар фермер хўжаликлари учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Давлат истиқболни башорат қилиш орқали келгусида кўзда тутилган вазифаларни самарали очишнинг оптимал вариантларини изласа, иқтисодий дастурлар орқали маълум бир тармоқ, ҳудуд ёки устивор вазифаларни ривожлантириш масалаларини ҳал этади. Хусусан, аграр соҳада сўнги йилларда амалга оширилган бир қатор мақсадли давлат дастурлари қишлоқ хўжалигининг ер майдонлари ҳажмини оптималлаштириш, мева-сабзавотчилик, қорамолчилик, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадларига хизмат қилмоқда.

Республикамыз қишлоқ хўжалигининг ривожланиш хусусиятлари, давлатимиз аграр сиёсатининг устувор йўналишлари ҳамда ривожланган хорижий мамлакатларнинг бу борадаги илғор тажрибаларини

умумлаштириш асосида мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг энг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни тавсия этамиз:

1. Меъёрий-ҳуқуқий таъминот.
2. Бозорнинг очиқлиги ва адолатли рақобат муҳитини таъминлаш.
3. Қишлоқ хўжалигининг барқарор даромад олишларини қўллаб-қувватлаш.
4. Нарх механизми орқали қўллаб-қувватлаш.
5. Имтиёзли солиққа тортиш механизми орқали қўллаб-қувватлаш.
6. Имтиёзли кредитлаш механизми орқали қўллаб-қувватлаш.
7. Мақсадли давлат дастурлари ва инвестициялари орқали қўллаб-қувватлаш.
8. Ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини қўллаб-қувватлаш.
9. Моддий-техникавий қўллаб-қувватлаш.
10. Ишлаб чиқаришни табиий офатлар ва ноқулай об-ҳаво таъсиридан (рисклардан) ҳимоялаш.
11. Инфратузилма таъминоти.
12. Ижтимоий таъминот.
13. Кадрлар таъминоти.
14. Илмий ва ахборот-маслаҳат таъминоти.
15. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ички ва ташқи савдосини қўллаб-қувватлаш (протекционизм).

1.3. Ривожланган ҳорижий мамлакатларда қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари

Қишлоқ хўжалиги – жаҳон мамлакатларининг айримларида энг муҳим тармоқлардан бири ҳисобланади. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётни, жумладан унинг таркибий қисми бўлган қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш масаласи бугунги кунда илмий доираларда кўплаб мунозараларга сабаб бўлмоқда. Ўтган давр мобайнида иқтисодиётнинг аграр тармоғини давлатнинг фаол аралашувисиз

ривожлантириш мушкул эканлигига амин бўлган бўлсакда, бундай аралашувнинг чегаралари ҳамда усулларини, механизмлари ва йўналишларини чуқур ўрганиш заруратга айланмоқда. Хусусан, бу борада ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва бу тажрибаларни мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига қўллаш имкониятларини тадқиқ этиш муҳимдир.

Аграр ва озиқ-овқат бозорларини давлат томонидан тартибга солиш борасидаги жаҳон тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, миллий ҳукуматлар томонидан қўлланилаётган тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари хилма-хил ва турли мақсадларни кўзлаб амалга оширилади. Шунга қарамай уларни шартли равишда қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган умумий чора-тадбирлар.
2. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг даромадларини ошириш чора-тадбирлари.
3. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариши харажатларини пасайтиришга йўналтирилган тадбирлар.
4. Маъмурий-ҳуқуқий ва меъёрий асосларни яратиш чора-тадбирлари.
5. Таркибий-институционал сиёсат.
6. Қишлоқ жойларда ижтимоий масалалар ечимига қаратилган тадбирлар.
7. Истеъмолчиларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган субсидиялар.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарушининг даромадлигини ошириш йўлларида бири қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан келадиган тушумларни оширишдир. Бунга икки хил йўл билан эришиш мумкин: қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига **талабни ошириш** ва **таклифни камайтириш**.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талабни ошириш йўлларида бири давлат харидларини **кўпайтириш** ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини давлат эҳтиёжлари учун харид этиш тажрибаси биз учун

янгилик эмас. Хусусан, пахта ва ғаллага давлат буюртмаси ўрнатилган. Аммо ривожланган давлатлар тажрибасида пахта ва ғалладан бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ҳам давлат буюртмаси ўрнатиш ҳолатлари учрайди. Шунингдек, АҚШ Мудофаа вазирлиги ва Юстиция вазирлигининг Қамокхоналар бюроси ҳам давлат бюджети ҳисобидан катта ҳажмдаги озиқ-овқат маҳсулотларини фермерлардан харид этади. Бу дастурларнинг амалга киритилиши гўшт, сут, мевалар, савзавот ва полиз маҳсулотларига давлат буюртмалари жорий этилишига олиб келади. АҚШ Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг маълумотларига кўра федераль, штатлар ва маҳаллий ҳукуматлар томонидан давлат маблағлари эвазига фермерлардан харид этилган озиқ-овқат маҳсулотлари учун 2002 йилда 41,3 млрд. доллар сарфланган⁷.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат эҳтиёжлари учун харид этилиши фермер хўжаликлари маҳсулотларига бўлган ялпи талабнинг ошишини ва уларнинг даромадлари кўпайшини таъминлайди. Бунинг учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импортини чеклаш ва экспортини қўллаб-қувватлаш тадбирлари амалда бўлиши талаб этилади. Акс ҳолда ички маҳсулотларга қараганда анча арзон олиб кирилиши мумкин бўлган импорт маҳаллий фермерларга кучли рақобат муҳитини юзага келтиради.

Ички бозорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таклифини чеклаш чораларини кўриб чиқамиз. Бу дастурларни амалга киритиш учун ички товар ишлаб чиқарувчилар импортерлар олдида қулай рақобат муҳитига эга бўлишлари муҳим ҳисобланади. Ички товар ишлаб чиқарувчилар учун қулай рақобат муҳитини табиий ва давлат томонидан киритилган махсус дастурлар орқали яратиш мумкин. Акс ҳолда маҳаллий маҳсулотлар таклифини чеклаш бу маҳсулотларни чет элдан импорт қилиш ҳисобидан осонлик билан қопланиши ва етарли самара бермаслиги мумкин.

Агар ички озиқ-овқат бозори ташқи товар ишлаб чиқарувчилар экспортдан етарлича ҳимояланган бўлса ички товар ишлаб чиқарувчилар

⁷ http://usda.ru/usda_programs/2005/03/07/42

маҳсулотларига талабни ошириш ва уларнинг даромадларини юксалтириш учун бир қанча механизмлардан фойдаланиш мумкин.

Давлат буюртмаси бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш аграр тармоқ бозорларида талабни ўстиришга қаратилган тадбирлар сирасига киради. Фермерлар етиштираётган маҳсулотларнинг баҳоларини маълум даражада сақлаб туриш учун давлат томонидан вакил қилинган ташкилот бюджет маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бир қисмини сотиб олиши мумкин. Буни харид интервенцияси деб аташ ҳам мумкин.

Давлатнинг интервенция харидлари маҳсулотнинг баҳосини ошишига олиб келади ва фермерлар учун фойда келтиради. Шу билан бирга давлат олдида харид этилган маҳсулотларни сақлаш харажатлари бўйича қўшимча муаммолар юзага келиши мумкин. Давлат буюртмаси бўйича харид этилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сарфлашнинг бир нечта вариантлари мавжуд.

Биринчи вариант тўпланган ортиқча маҳсулотни халқаро бозорларга экспорт қилиш. Агар экспортёр мамлакатнинг иқтисодиёти қудратли ва экспортга чиқарилаётган маҳсулот ҳажми йирик бўлса, бу ҳолат жаҳон бозоридаги баҳолар даражасига сезиларли таъсир кўрсатиши ва бошқа экспортёрларнинг эътирозига сабаб бўлиши мумкин.

Иккинчи вариант ортиқча маҳсулотни мамлакат ичида қайта ишлаш ва рақобатлашмайдиган бошқа бозорларда сотишдир. Масалан, буғдойни қайта ишлаб, ем учун озуқа сифатида сотиш мумкин. Бунда буғдойни қайта ишлаш натижасида инсонлар истеъмоли учун яроқсиз ҳолга келтириш лозим бўлади. Акс ҳолда уларни ички бозорда қайта сотиш имконияти вужудга келиши мумкин. Давлатнинг интервенция захираларини аҳолининг кам таъминланган қисмларига пасайтирилган нархларда талон бўйича сотиш ёки ўрта мактабларда бепул тушликлар ташкил этишга сарфлаш ҳам мумкин.

Ривожланган хорижий мамлакатларда давлатнинг ортиқча озиқ-овқат захираларини йўқотиш йўлларида бири сифатида кам тараққий этган

мамлакатларга ёрдам уюштириш кенг қўлланиб келинади. Масалан, АҚШнинг “Тинчлик йўлида озиқ-овқат” дастури давлатнинг ортиқча озиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилиш мақсадларига хизмат қилади.

Об-ҳаво қулай келган йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорига талабдан ортиқча маҳсулот кириши оқибатида баҳолар кескин тушиб кетиши ва фермерлар учун жиддий зарар келтириши мумкин. Бундай пайтларда давлат бозордаги ортиқча маҳсулотни харид этиш орқали бир томондан маҳсулотни сотилишига ёрдам берса, иккинчи томондан мувозанат нархни тиклаш орқали фермерларни зарар кўришдан сақлаб қолади.

Давлат харид этилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бир қисмини озиқ-овқатнинг буфер захиралари сифатида сақлаши ва об-ҳаво ноқулай келиб, ҳосилдорлик пасайиб кетган йилларда улардан самарали фойдаланиши мумкин. Бундай ҳолатларда давлатнинг озиқ-овқат захираларини бозорга ташлаш тақчилликни бартарф этишга олиб келади ва баҳоларнинг кескин кўтарилиб кетишидан истеъмолчиларни ҳимоя қилади.

Давлатнинг ортиқча озиқ-овқат захиралари вақти-вақти билан реализация қилиб турилмаса, уларни сақлаш харажатлари мамлакат бюджети учун оғир юк бўлиши мумкин.

Жаҳон амалиётида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига **субсидиялар ажратиш сиёсати** кенг қўлланилади. Бу усулда давлат у ёки бу маҳсулот баҳосининг минимал кафолатланган чегарасини ўрнатади ва бозордаги мувозанат баҳоси кафолатланган баҳодан пастга тушиб кетса, баҳолар орасидаги фарқни қоплаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Ривожланган хорижий мамлакатларда қишлоқ хўжалигини субсидиялаш мақсадларига йирик маблағлар ажратилади. Европа Ҳамжамиятида аграр тармоқни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган маблағларнинг умумий қиймати 1999 йилда 107,4 млрд. еврони ташкил этиб, фермерларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан олган

даромадлари таркибида субвенцияларнинг улуши 49 фоизгача етган⁸. Одатда бундай субсидиялар фермерларни қўллаб-қувватлаш бўйича бошқа дастурларга, хусусан ерларни консервация қилиш дастурига боғланган ҳолда қўлланилади.

Бевосита субсидияларни икки хил шаклда: сотилган маҳсулот бирлигига тўланадиган қатъий ставкада ёки баҳодаги фарқ тўловлари кўринишида амалга ошириш мумкин. Иккинчи ҳолатда фермерлар қатъий белгиланган ставка бўйича субсидия олмасдан, кафолатланган баҳонинг белгиланган минимал даражаси билан ҳақиқий сотиш баҳоси орасидаги фарққа тенг субсидия олади. Амалиётда турли ҳудудларда маҳсулотнинг бозор баҳоси турлича бўлиши мумкинлигидан, фермерлар оладиган фарқ тўловлари кўринишидаги субсидия ҳам турлича бўлиши мумкин.

Қишлоқ хўжалигида харажатларни камайтиришнинг асосий дастакларидан бири аграр ишлаб чиқариш ресурсларини субсидиялаш механизmidир. Бундай субсидияларни амалга ошириш усуллари турлича: ишлаб чиқарувчилар харид этадиган ҳар бир ресурс бирлигига (масалан, ҳар бир тонна минерал ўғитга) қатъий ўрнатилган субсидия ажратиш, маълум бир тадбирларни (масалан, мелиоратив тадбирларни) амалга ошириш учун субсидия ажратиш ёки имтиёзли кредитлар олиш орқали маҳсулот таннархини пасайтиришга имкон яратилиши мумкин.

Ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ресурслар баҳоларининг арзонлаштирилиши эвазига харажатларни пасайтириш сиёсати қуйидаги натижаларга олиб келади:

- ишлаб чиқарувчилар фойдасининг ўсишини таъминлайди;
- арзонлаштирилган ресурсларга бўлган талабни оширади;
- маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиради;
- бошқа ресурсларга бўлган талабнинг ошишига олиб келади.

Аммо бу натижаларни таъминлаш учун учта муҳим шартга риоя этилиши талаб қилинади:

⁸ http://www.kgau.ru/distance/ec_05/zbinova/fermerstvo/08_politika.html

1. Ресурсларни ишлаб чиқарувчи тармоқда рақобат муҳити амал қилиши лозим. Акс ҳолда ресурсга ажратилган субсидиялар унинг баҳосини ошишига олиб келиши мумкин. Чунки, ресурсга ажратилган субсидиялар қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан эмас, монопольлик мақсадидаги ресурсни ишлаб чиқарувчилар томонидан ўзлаштирилади.

2. Субсидияланадиган ресурс фақатгина қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган бўлиши лозим. Акс ҳолда уни бошқа мақсадлар учун қайта сотишга уриниш юзага келиши мумкин. Масалан, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган имтиёзли кредит ресурсларини бошқа тармоқларга ажратиш мумкин.

3. Субсидияланадиган ресурс таклифи етарлича эластикликка эга бўлиши лозим.

Хорижий мамлакатларнинг давлат субсидиялари таркибида асосий ўринни нархларни қўллаб-қувватлашга йўналтириладиган маблағлар эгаллайди. Ривожланган бозор иқтисодиётига эга хорижий мамлакатларнинг нарх сиёсати оид замонавий концепцияларида нархларни шакллантириш ва тартибга солишда давлатнинг фаол аралашуви кўзда тутилган. Уларнинг деярли барчасида нархларни давлат томонидан тартибга солиш тизими амалда бир-бирига яқин ва у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган мақсадли ёки индикатив нархларни белгилаш, нархлар тебранишининг қуйи ва юқори чегараларини ўрнатиш;

- нархларнинг исталган даражасини ушлаб туриш ҳамда товар интервенцияларини амалга ошириш мақсадларида тез бузилмайдиган маҳсулотларнинг талабдан ортиқ қисмини давлат томонидан харид этиш;

- ихтисослашган хўжаликлар гуруҳлари (ЕИ мамлакатларида) ёки ишлаб чиқариш турлари (АҚШда) бўйича ишлаб чиқариш харажатларини ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари ўртасидаги паритетни домий равишда кузатиб бориш;

- фермалар ва ишлаб чиқариш тармоқларининг даромадлигини таъминлаш чоралари.

Ривожланган хорижий мамлакатларда қишлоқ хўжалигини субсидиялаш мақсадларига йирик маблағлар ажратилади. Масалан, 2000-2005 йилларда АҚШда етиштирилган пахта хомашёси бозор қийматининг 2/3 қисмини давлат томонидан фермерларга берилган субсидиялар ташкил қилган. Ҳар бир фермага йўналтирилган давлатнинг молиявий кўмаги қиймати ўртача 250 минг АҚШ долларига тенг бўлган⁹.

Европа Иттифоқи мамлакатларида қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишни ифодаловчи энг муҳим кўрсаткичлардан бири – етиштирилган маҳсулотлар нархларини бюджетдан субсидиялар орқали қўллаб-қувватлаш даражасидир. ЕҲ мамлакатлари бўйича 2003 йилда аграр соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлашга йўналтирилган субсидиялар қиймати фермерлар маҳсулоти қийматининг 65 %ни, товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган жами бюджет маблағларида қишлоқ хўжалигининг улуши эса 17,7 %ни ташкил этган. Ишлаб чиқарувчиларни номинал ҳимоялаш коэффициенти 1,57 га, истеъмолчиларники эса 1,5 га тенг бўлган¹⁰.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга ошириладиган **давлатнинг таркибий сиёсати** энг аввало аграр тармоқ ҳисобидан кун кечирувчи кишилар сонини қисқартириш ва улар учун бошқа тармоқларда иш ўринлари яратишга қаратилган бўлади. Агар бу вазифа амалга оширилса қишлоқ хўжалигида қолган фермерларнинг даромадлари сезиларли ошиши мумкин. Одатда таркибий сиёсат икки хил тадбирларни назарда тутди: қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сонини қисқартириш ва фермер хўжаликларининг ўртача ҳажмини ошириш.

⁹ Доклад о мировом развитии: сельское хозяйство на службе развития. –Всемирный банк. Вашингтон, округ Колумбия, 2009, 111 стр.

¹⁰ Фунтикова А.А. Государственное регулирование сельского хозяйства в условиях переходной экономики. автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук, Воронеж-2007, 14 стр.

Баъзан давлат аграр тармоқдаги таркибий ўзгаришларни жадаллаштириш мақсадида ўзининг қўллаб-қувватлаш чораларини фақатгина ўрта ва йирик фермер хўжаликларига нисбатан қўллаши мумкин.

Масалан, 1970-йилларда Европа Иттифоқида камида 80 гектар хайдаладиган ер майдони ёки 40 бош йирик шохли қорамоли мавжуд фермер хўжаликларига нисбатан қўлланиладиган субсидиялар амалда қўлланилган эди.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш борасида ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш шунингдек кўрсатадики “бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда давлат бошқаруви, тартибга солиш биринчи навбатда деҳқончиликда вақти-вақти билан бўлиб турадиган инқирозларни бартараф этишга, шунингдек қудратли агробизнес билан бўладиган рақобатли курашда фермерларга давлат ёрдами кўрсатишга қаратилади ва жуда кўп ижтимоий ва иқтисодий масалалар мана шундай йўллар билан ҳал этилади¹¹”. Бунинг учун турли усуллар ва механизмлардан фойдаланиб келинади. Уларнинг айримларини амалга ошириш учун бюджетдан маблағлар ажратиш зарур бўлса, бошқа бирлари фақат маъмурий-ташкилий йўллар орқали жорий этилади.

II-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ АМАЛДАГИ МЕХАНИЗМИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши динамикаси таҳлили


¹¹ Ф. Назарова, “Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш”, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали, 1999, № 2, 26 б.

Қишлоқ хўжалиги – Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хомашёга бўлган талабини қондиради. Бу қишлоқ хўжалиги тармоғининг асосий мақсади ҳисобланади. Ҳозирги даврда аҳоли истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг 95–97 фоизга яқини шу тармоқда етиштирилади. Республика ялпи ички маҳсулотини таркибида қишлоқ хўжалигини салмоғи улкан. Қишлоқ хўжалиги республикамизнинг истеъмол бозорига озиқ-овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноатига хомашё етказиб бериш билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати каби бир қатор тармоқлар маҳсулотлари учун кафолатли бозор бўлиб ҳам ҳисобланади.

Аграр тармоқ иқтисодиётда банд бўлган мамлакат аҳолисининг 27,0 % дан ортиқ қисмини иш ўринлари билан таъминлаб келмоқда. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласи республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг асосий мақсадига эришиши учун турли хилдаги маҳсулотлар етиштирилади, ишлар, хизматлар бажарилади, улар талабни қондириш мақсадида тақсимланади, сотилади. Корхоналар, бирлашмалар, тармоқлар (туман, вилоят, республика) миқёсида кечаётган бу жараёнлар эркин бозор муносабатлари асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Уларни назарий ва амалий жиҳатдан талаб даражасида ҳал этиш учун республикада туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Республикамиз аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиб бормоқда (1-расм).



1-расм. Республикада қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари, (% да)¹²

Республикада қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий макроиктисодий кўрсаткичларини таҳлил қилганимизда 2000-2015 йиллар оралиғида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари ўсиб бориш динамикасига эга бўлди. Хусусан, бу кўрсаткич 2000 йилдаги 103,1 %ни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 106,8 %га тенг бўлди.

Мамлакат ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти салмоғининг 2000 йилдаги 30,1 фоиздан 2015 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорини кўрайтирган ҳолда 16,6 фоизга пасайиши ижобий ҳолдир. Келажакда бошқа тармоқлар изчил ривожланиши натижасида қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 10 фоизгача пасайтириш режалаштирилмоқда. Лекин шунга қарамай, тармоқнинг иқтисодий салоҳияти республика иқтисодиётида сезиларли даражада бўлаверади. Бу аввало мамлакатимиз иқтисодиётида индустриал саноат тармоқлари ва хизматларнинг жадал ривожланиб бораётгани билан изоҳланади (2-жадвал).

¹² Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

**Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг
тутган ўрни (амалдаги нархларда), млрд. сўмда**

Кўрсаткичлар	2002 йил	2004 йил	2006 йил	2008 йил	2010 йил	2012 йил	2015 йил	2015 йилни 2002 йилга нисбати %
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)	7450,2	12261,0	21124,9	38969,8	62388,3	96589,8	171369,0	23 марта
Шу ж.: қишлоқ хўжалигининг ялпи қўшилган қиймати	2244,2	3242,3	5298,0	7673,0	11226,0	16866,1	42280,4	18,3 марта
Қишлоқ хўжалиги салмоғи, % да	30,1	26,4	25,1	19,7	18,0	17,5	16,6	55,1
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	1526,6	2629,0	4041,0	9555,9	15338,7	22066,7	40737,3	26,7 марта
Шу ж.: қишлоқ хўжалиги тармоғига	102,2	113,6	164,2	260,7	530,6	905,8	1506,5	17,4 марта
Қишлоқ хўжалиги салмоғи, % да	6,7	4,3	4,1	2,7	3,5	4,1	3,7	55,2
Иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони, минг киши	9333,0	9910,6	10467,0	11035,4	11628,4	12223,8	13058,3	139,9
Шу ж.: қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар	3038,3	3035,2	2928,8	3029,7	3120,9	3 323,2	3531,3	116,2
Қишлоқ хўжалиги салмоғи, % да	32,6	30,6	28,0	27,5	26,8	27,2	27,0	82,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг тутган ўрни ўтган 2002-2015 йиллар оралиғида қишлоқ хўжалигининг ялпи қўшилган маҳсулоти қиймати амалдаги нархларда ўсиб бориш суръатига эга бўлган. Хусусан, амалдаги нархларда бу кўрсаткич 2002 йилда 2244,2 млрд. сўмдан 2015 йилда 42280,4 млрд. сўмга етган ёки қарийб 18,3 мартага ўсган.

Қишлоқ хўжалигида асосий капиталга киритилаётган инвестициялар қиймати ҳам муттасил ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Агар 2002 йилда бу мақсадлар учун амалдаги нархларда 102,2 млрд. сўм сарфланган бўлса, 2015 йилда 1506,5 млрд. сўм сарфланди ёки қарийб 17,4 мартага ошди. Асосий капиталга киритилаётган инвестицияларда қишлоқ хўжалигига киритилаётган инвестициялар салмоғи 2015 йилда 3,7 %ни ташкил этди.

Иқтисодиётда банд бўлганларнинг тармоқ таркибида қишлоқ хўжалигининг улуши 2002 йилда 32,6 % бўлган бўлса, 2015 йилда 27,0 %га пасайди. Бу ҳолат қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган таркибий ислохотлар ва ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиниши билан изоҳланади.

Республикада қишлоқ хўжалигини ривожлантириш сиёсати изчиллик билан амалга оширилмоқда. Даставвал тармоқда кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш мақсадида аграр иқтисодий ислохотлар босқичма–босқич олиб борилди. Натижада барқарор равишда мулкчиликнинг турли шакллари барпо этилиб уларни эркин фаолият кўрсатишлари учун сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий шароитлар яратилди. Қишлоқ хўжалигига янги техникалар, самарали технологиялар киритилиб уни моддий–техника базаси мустаҳкамланмоқда. Тармоқдаги ишчи-хизматчиларнинг билимлари, малакалари, тадбиркорлик қобилиятлари юксалтирилмоқда. Уларнинг ҳаммасидан тадбиркорлик билан самрали фойдаланиш натижасида сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти йил сайин ортиб бормоқда, буни 3-жадвалда кўришимиз мумкин.

3-жадвал

Қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	2002 йил	2004 йил	2006 йил	2008 йил	2010 йил	2012 йил	2015 йил	2015 йилни 2002 йилга нисбати %
Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти, млрд. сўм (амалдаги нархларда)	3255,3	4615,8	7538,8	11310,7	16774,7	24370,3	42280,4	13,0 марта
ш.ж: ўсимликчиликда	1648,8	2432,1	4165,0	6400,1	10023,0	14155,3	25084,8	15,2 марта
Чорвачиликда	1606,5	2183,7	3149,0	4910,7	6751,7	10215,0	17195,6	10,7 марта
Ўсимликчилик маҳсулоти салмоғи, % да	50,6	53,7	56,9	56,6	59,7	58,1	59,3	х
Чорвачилик маҳсулоти салмоғи, % да	49,4	46,3	43,1	43,4	40,3	41,9	40,7	х
Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўсиш суръатлари, ўтган йилга нисбатан % да	106,0	108,9	106,7	104,5	106,9	107,0	106,8	х

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг йиллик ўсиш суръатлари динамикасига назар ташлайдиган бўлсак, ўтган 2002-2015 йиллар оралиғида бу кўрсаткич амалдаги нархларда ўсиб бориш суръатига эга бўлган. Хусусан, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулот қиймати 2002 йилда 3 255,3 млрд. сўмдан 2015 йилда 42280,4 млрд. сўмга ёки абсолют кўрсаткичда 13,0 мартага ўсган. Шу жумладан ўсимликчиликда 2015 йилда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти улуши 59,3 фоизни ташкил этган, ёки 2002 йилга нисбатан 15,2 мартага, чорвачиликда эса 10, 7 мартага ошган.

Демак жадвалда келтирилган маълумотлар тахлили шуни кўрсатмоқдаки қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибида ўсимликчилик тармоғи маҳсулотларининг улуши ошиб бориш хусусиятига эга бўлмоқда. Жумладан, 2002-2015 йиллар оралиғида ўсимликчилик маҳсулоти салмоғи 50,6 % дан 59,3 % гача ошиб, чорвачилик маҳсулоти салмоғи 49,4 % дан 40,7 % га пасайган.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўсиш суръатлари, ўтган 2015 йилда 2002 йилга нисбатан 106,8 % га ошган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, 1990 йилда республикаимиз аҳолиси истеъмол учун зарур бўлган ғалланинг 82 фоизи, гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сут ва сут маҳсулотларининг 60 фоизга яқини, картошканинг 50 фоизи, шакар ва қуруқ сутнинг барчаси четдан келтирилган бўлса, ҳозирда мамлакатимизда озиқ-овқат масулотлари етиштиришнинг барқарорлиги ҳисобидан аҳолининг асосий истеъмол маъсулотларига бўлган эҳтиёжи деярли юз фоиз ўз ишлаб чиқаришимиз ҳисобидан таъминланмоқда. Жумладан, агар 1991 йилда аҳоли жон бошига нисбатан 24,0 кг мева, 24,0 кг узум, 138,6 кг сабзавот, 15,1 кг картошка ва 39,0 кг полиз маҳсулотлари етиштирилган бўлса, 2015 йилга келиб аҳоли жон бошига 86,8 кг мева (361,7 %), 49,9 кг узум (207,9 фоиз), 230,2 кг сабзавот (231,0 фоиз), 85,3 кг картошка (564,9 %) ва 58,6 кг полиз масулотлари (150,3 фоиз) етиштирилди (4-жадвал).

**Ўзбекистонда аҳоли жон бошига асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш
динамикаси, кг**

Маҳсулотлар тури	Меъёр бўйича, Кг	Ҳақиқатда, кг				1991 йилда меъёрга нисбатан, % да	2000 йилда меъёрга нисбатан, % да	2011 йилда меъёрга нисба тан, % да	2015 йилда			
		1991 йил	2000 йил	2011 йил	2015 йил				меъёрга нисба тан, % да	1991 йилга нисба тан, % да	2000 йилга нисба тан, % да	2011 йилга нисба тан, % да
Мева	65,3	24,0	31,7	63,8	86,8	36,7	48,5	97,7	132,9	361,7	273,8	136,0
Узум	13,9	24,0	25,1	37,2	49,9	172,7	180,5	267,6	359,0	207,9	198,8	134,1
Сабзавот	109,2	138,6	106,2	238,4	320,2	126,9	97,2	218,3	293,2	231,0	301,5	134,3
Картошка	50,4	15,1	29,4	63,5	85,3	30,0	58,3	126,0	169,2	564,9	290,1	134,3
Полиз	19,3	39,0	18,1	44,1	58,6	202,1	93,8	228,5	303,6	150,3	323,8	132,9
Гўшт (сўйилган вазнда)	40,0	18,5	20,1	35,6	41,8	46,3	50,2	89,0	104,5	225,9	208,0	117,4
Сут	140,0	136,8	145,8	186,5	285,4	97,7	104,1	133,2	203,8	208,6	195,7	153,0
Тухум (донада)	121,0	43,2	50,4	137,8	175,0	35,7	41,6	113,9	144,6	405,1	347,2	127,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

Ўсимликчилик республика қишлоқ хўжалигининг энг йирик ва шу билан бирга муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. 2015 йилда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 59,3 %и ўсимликчилик тармоғи ҳиссасига тўғри келди.

Сўнги йилларда Республика аҳолисини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотлари етиштиришни ҳамда гўшт, сут, тухум ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қайта ишлаш ва экспорт ҳажмларини ошириш ҳамда ички истеъмолни таъминлаш бўйича манзилли чоратadbирлар Дастурлари ишлаб чиқилиб, уларни амалга оширилиб ижобий натижаларга эришилмоқда.

Ўсимликчилик тармоғининг ривожланиши биринчи навбатда чекланган ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш даражасига боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг умумий майдони 2004-2015 йиллар оралиғида сезиларли камайиб, 3 695,7 минг гектардан 3 676,5 минг гектарга етган ёки 99,5 % га камайган. Шу вақт оралиғида пахта экин майдонлари 1456,3 минг гектардан 1285,5 минг гектарга ёки 11,7 %га қисқарган бўлса, буғдой майдони 1470,4 минг гектардан 1329,5 минг гектарга ёки 90,5 %га камайган (5-жадвал).

Республика раҳбарининг бевосита раҳбарлигида аҳолини керакли бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун пахта ва ғалладан бўшаган ерларга картошка, сабзавот, полиз, мева-узум маҳсулотларини экиш га ажратилди. Натижада қишлоқ хўжалиги экин майдонлари таркиби 2015 йилда 2002 йилга нисбатан сабзавотлар 139,5 фоизга, картошка 154,1 фоизга, полиз экинлари 147,6 фоизга, мева 128,9 фоизга ва узум 123 фоизга ошган. Шу жумладан чорвачиликни янада ривожлантириш учун озуқа экинлари майдони ҳам 114,5 фоизга кўпайган. Экин майдонларига асосан буғдой, пахта, маккажўхори, сабзавот, картошка, полиз ҳамда озуқа экинлари экилмоқда.

Республикада қишлоқ хўжалиги экин майдонлари таркиби
(барча тоифадаги хўжаликларда), минг гектарда

Экин турлари	2004 Йил	2006 йил	2008 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2015 й. 2004 й.га нисбати., % да
Дон жами	1667,1	1618,0	1559,0	1679,4	1607,4	1628,1	1643,9	1655,6	1547,3	92,8
шундан: буғдой	1470,4	1448,5	1373,1	1466,3	1432,6	1403,9	1449,6	1454,8	1329,5	90,4
Маккажўхори	34,8	32,8	32,3	28,3	28,5	40,8	40,2	41,4	41,5	119,3
Шоли	66,1	60,6	33,8	69,2	71,6	76,2	75,6	76,3	75,6	114,4
Техника экинлари	1518,5	1478,2	1507,2	1417,0	1382,2	1372,2	1372,9	1371,6	1359,8	89,4
ш.ж. Пахта	1456,3	1448,2	1425,1	1342,5	1329,2	1308,3	1308,8	1280,2	1285,5	88,3
Картошка	52,1	52,6	59,9	70,7	73,6	76,1	78,3	79,5	80,3	154,1
Сабзавотлар	137,6	154,4	162,8	173,0	175,4	183,7	189,4	189,9	192,0	139,5
Полиз экинлари	34,7	37,4	42,2	47,9	45,9	53,7	50,6	49,6	51,2	147,6
Озуқа экинлари	284,2	296,4	278,5	320,4	313,1	313,7	315,7	325,7	325,5	114,5
Жами экин майдони	3695,7	3637,4	3609,7	3708,4	3601,6	3628,1	3658,6	3678,2	3676,5	99,5
Мева	203,1	210,0	214,9	235,3	244,3	250,3	254,6	259,9	261,9	128,9
Узум	117,1	119,1	125,4	127,9	127,1	126,7	127,8	126,6	144,0	123,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари.

Республикада қишлоқ хўжалиги экин майдонлари таркибини таҳлил қилар эканмиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг деярли 97,0 фоизини етиштириб берадиган, ҳайдаладиган ерлар ҳам Республика ҳудуди бўйича нотекис тақсимланган.

Ҳайдаладиган ерларнинг энг катта майдонлари Қашқадарё (16,9 фоиз), Жиззах (11,1 фоиз), Самарқанд (10,9 фоиз) вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (10,5 фоиз) жойлашган. Шу вақтнинг ўзида нисбатан кичик майдонлар Наманган (4,8 фоиз), Бухоро (4,9 фоиз), Андижон (5,0 фоиз), Хоразм (5,2 фоиз) ва айниқса Навоий (2,7 фоиз) вилоятларига хос.

Ҳайдаладиган ерларнинг энг маҳсулдор ва самарали қисми суғорма ерлардир. Ўзбекистон - қадимдан суғорма деҳқончилик мамлакати бўлиб келган. Суғорма деҳқончилик озиқ - овқат соҳасида Республика мустақиллигининг негизи ва асосий экспорт маҳсулотининг манбайидир.

Ўзбекистон ҳозирда жаҳонда суғорма деҳқончилик марказларидан бири ҳисобланади. Суғориладиган ерларнинг умумий майдони салкам 4,3 млн. гектарни ташкил этиб, унинг асосий қисми тупроқ-сув шароити нисбатан қулай бўлган водий ва воҳаларда жойлашган. Фарғона, Зарафшон водийлари, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм воҳалари шулар жумласидандир.

Ўсимликчилик маҳсулотлари етиштириш экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига таъминланади. Экинлар ҳосилдорлигини кўпайтириш учун тупроқ унумдорлиги ошишини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, масалан, ирригация-мелиорация тизимини қуриш, таъмирлаш, ерларни текислаш, шўрини ювиш, ўғитлардан самарали фойдаланиш, алмашлаб экишни жорий этиш ва барча агротехник тадбирларни ўз вақтида самарали ўтказилиши керак.

Ўтган давр давомида асосий турдаги экинларнинг ҳосилдорлиги муттасил ўсиб бориш суръатига эга бўлди (6-жадвал).

Республикада асосий экин турлари ҳосилдорлиги
(барча тоифадаги хўжаликларда), ц/га

Экин турлари	2004 Йил	2006 йил	2008 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2015 й. 2004 й.га нисбати., % да
Дон экинлари	35,4	41,3	42,0	44,2	45,3	44,6	45,0	45,3	45,6	128,8
ш.ж. Буғдой	37,3	42,9	44,4	46,5	47,2	47,3	48,7	49,2	54,9	147,2
Пахта	24,5	25,0	23,9	25,6	26,0	26,4	26,2	26,5	26,1	106,5
Картошка	157,5	175,2	194,1	194,9	195,7	201,4	210,7	213,6	218,9	139,0
Сабзавотлар	203,1	223,0	246,4	252,5	263,7	268,4	270,9	268,3	277,1	136,4
Полиз	157,0	178,2	190,9	192,6	187,3	199,9	200,0	201,3	202,6	136,7
Мева	58,2	73,8	82,5	92,6	97,3	104,4	112,3	116,0	123,9	212,9
Узум	60,8	79,4	77,4	90,8	97,8	106,4	116,1	120,7	126,7	208,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари.

Республикада асосий экин турлари ҳосилдорлигини барча тоифадаги хўжаликларда таҳлил қилинганда, хусусан, 2015 йилда 2004 йилга нисбатан донли экинлар ҳосилдорлиги 128,8 фоизга, шу жумладан буғдой ҳосилдорлиги гектарига 37,3 центнердан 54,9 центнерга ёки 147,2 % га, пахта ҳосилдорлиги 24,5 центнердан 26,1 центнерга ёки 106,5 % га, картошка ҳосилдорлиги 157,3 центнердан 218,9 центнерга ёки 139,0 % га, сабзавотлар ҳосилдорлиги 203,1 центнердан 277,1 центнерга ёки 136,4 % га, полиз ҳосилдорлиги 157,0 центнердан 202,6 центнерга ёки 136,7 % га, мева ҳосилдорлиги 58,2 центнердан 123,9 центнерга ёки 212,9 % га ва узум ҳосилдорлиги 60,8 центнердан 126,7 центнерга ёки 208,4 % га ошган.

Жадвал маълумотлари таҳлилидан кўришиб турибдики, қишлоқ хўжалигини асосий экин турлари ҳосилдорлиги барча тоифадаги хўжаликларда барқарор равишда ошган. Соҳани янада ривожлантириш, самарадорлигини юксалтириш учун уни янги қишлоқ хўжалик машиналарни, техникалари, транспорт ва кимёвий воситалар, минерал ўғитлар, ёқилғи ҳамда ёғловчи материаллар, қурилиш материаллари, озуқа моддалари билан тўлиқ ва мутаносиб равишда таъминлаб, мустаҳкам моддий-техника базасини барпо этиш керак. Демак, қишлоқ хўжалигининг келажақдаги ривожини даставвал унинг учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари фаолиятига бевосита, шунингдек, аграр соҳанинг равнақи унга хизмат кўрсатувчи, яъни қишлоқ хўжалиги корхоналарини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминловчи, тармоқдаги машина-трактор ва бошқа техникаларни таъмирловчи, хўжалик объектларини қурувчи, ирригация-мелиорация ва кимёвий, транспорт хизматларини бажарувчи тармоқлар фаолиятига ҳам боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалигидаги барча корхоналар зиммаларидаги асосий вазифасини бажариш учун ишлаб чиқариш жараёнида турли хилма-хил маҳсулотларни етиштирадилар. Жумладан, пахта, буғдой, шоли, картошка, карам, помидор, сабзи, сут, гўшт ва бошқалар. Етиштирилган бу каби маҳсулотлар уларнинг ялпи маҳсулоти миқдорини ифодалайди 7-жадвал.

Ўсимликчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

(барча тоифадаги хўжаликларда), минг тоннада

Экин турлари	2004 Йил	2006 йил	2008 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2015 й. 2004 й.га нисбати., % да
Дон, жами:	5868,8	6546,7	6621,6	7504,3	7054,0	7515,2	7807,8	8050,5	8176,6	139,3
Бугдой	5377,5	5996,3	6039,7	6745,0	6444,9	6612,1	6394	6313,5	7305	135,8
Пахта	3536,8	3600,6	3400,6	3442,8	3500,0	3460,0	3361,2	3400,2	3350	94,7
Картошка	895,7	1021,0	1398,7	1694,8	1862,6	2056,1	2250,4	2452,5	2670	298,1
Сабзавотлар	3336,1	4294,1	5221,3	6346,5	6994,0	7766,5	8516	9286,7	9923	297,4
Полиз	572,5	744,1	981,3	1182,4	1294,7	1418,4	1580,0	1696,1	1853,1	323,7
Мева	851,7	1182,2	1402,7	1710,3	1878,8	2052,6	2227,8	2453,8	2746	322,4
Узум	589,1	803,6	792,5	987,3	1090,2	1204,6	1317,6	1435,9	1579	268,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари.

Ўсимликчилик тармоғида иқтисодий муносабатлар тизимини янгилаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва илғор технологияларни жорий этиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уруғчилик-селекция ишларининг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилиши ва ҳосилдорликнинг ошиши таъсирида 2004-2015 йиллар оралиғида деярли барча турдаги ўсимликчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини юқори даражада оширишга эришилди. Жумладан, 2015 йилда 2004 йилга нисбатан дон ишлаб чиқариш жами 5868,8 минг тоннадан 8176,6 минг тоннага ёки 39,3 %га, буғдой ишлаб чиқариш ҳажми 5377,5 минг тоннадан 7305 минг тоннага ёки 35,8 %га, пахта хомашёси 3536,8 минг тоннадан 3350,0 минг тоннага ёки 94,7 %га(камайган), сабзавотлар 3336,1 минг тоннадан 9923 минг тоннага ёки 197,4 %га, полиз маҳсулотлари 572,5 минг тоннадан 1853,1 минг тоннага ёки 223,7 %га, мева 851,7 минг тоннадан 2746 минг тоннага ёки 122,4 %га ва узум 589,1 минг тоннадан 1579 минг тоннага ёки 168,0 ошган.

Етиштирилаётган маҳсулотларни самарадорлигини юксалтириш учун эса ишлаб чиқариш ва бошқариш харажатлари тежалишини таъминлайдиган ишларни, тадбирларни оқилона амалга ошириш зарур. Бунинг учун ишлаб чиқариш, ҳосилни йиғиштириб олиш, сақлаш жараёнларини механизациялаштириш, ишлаб чиқариш воситаларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, янги техника, илғор технологияларни жорий этиш, ишчи-хизматчилар моддий ва маънавий рағбатлантирилишини изчиллик билан амалга ошириш керак

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ошиши фақат экин майдонларини кенгайтириш эвазига эмас, балки асосан интенсив ривожланиш, яъни экинлар ҳосилдорлиги ошириш эвазига таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган аграр тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли дастурида ўсимликчилик тармоғини ривожлантиришнинг қуйидаги энг муҳим йўналишлари кўзда тутилган:

1. Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш йўналиши бўйича тупроқ унумдорлигини ошириш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида барча ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, унумдорлиги паст ер майдонлари салмоғини камайтириш. Ушбу мақсадда ўз маблағлари ҳисобидан ирригация-мелиорация тадбирларини амалга оширган фермерларни иқтисодий рағбатлантириш механизмини жорий этиш.

2. Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини вилоятлар ва туманларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, маҳсулотлар сифати ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш.

3. Қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилли, тезпишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, янги ва истиқболли, маҳсулот сифати бозор талабларига жавоб берувчи навларни жойлаштириш.

Республикада бозор муносабатларини шакллантириш чорвачилик тармоқларида ҳам давлат раҳбарлигида босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Чорвачилик мамлакат қишлоқ хўжалигининг муҳим таркибий қисмидир. Чорвачилик тармоқларининг мақсадга мувофиқ, самарали жойлаштирилиши, ривожлантирилиши республикада меҳнат тақсимоти ижобий ҳал этилишига бевосита таъсир этади. Ҳудудларнинг табиий, иқтисодий шароитларини ҳамда бозор талабларини эътиборга олган ҳолда чорвачиликнинг қорамолчилик, қўйчилик, балиқчилик, асаларичилик, андатрачилик тармоқлари жойлаштирилиши ва ривожлантирилиши зарур. Чунки бу тармоқларда озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати корхоналари учун гўшт, сут, жун, тери, асал ва бошқа маҳсулотлар етиштирилади. Натижада саноат тармоқларининг ривожлантирилиши ҳам таъминланади. Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг асосий ва йирик тармоқларидан биридир. Бу тармоқда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 42 фоизга яқини яратилмоқда.

Республикамизда чорва моллари бош сонининг ўсиб бориши динамикаси
(барча тоифадаги хўжаликларда), минг бошда

(1 январ ҳолатига)

Кўрсаткичлар	2004 Йил	2006 йил	2008 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2015 й. 2004 й.га нисбати, % да
Йирик шохли қорамоллар,	5878,8	6571,4	7 457,9	8510,7	9642,7	10141,3	10607,3	10995,2	11 635	197,9
ш.ж. сигирлар	2556,7	2821,3	3124,9	3535,4	3878,4	3935,0	4020,6	4084,3	4186,8	163,8
Қўй ва эчкилар	9928,6	11351,9	12635,6	14438,3	16189,0	17128,8	17717,6	18438,9	18 906	190,4
Чўчкалар	89,9	86,9	96,2	96,4	96,5	95,2	96,8	97,8	98,1	109,0
Паррандалар	17675,7	20540,4	26118,9	33025,8	42818,4	47485,8	52363,2	56276,3	60 800	344,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари.

Чорвачилик тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида тармоқ муттасил ривожланиб бориш динамикасига эга бўлмоқда. Жумладан, Ўтган 2004-2015 йиллар оралиғида республикада йирик шохли қорамоллар бош сони 5878,8 минг бошдан 11635 минг бошга ёки 197,9 %га, шу жумладан сизирлар сони 2 556,7 минг бошдан 4186,8 минг бошга ёки 163,8 %га, қўй ва эчкилар сони 9 928,6 минг бошдан 18 906,8 минг бошга ёки 190,4 фоизга, паррандалар сони 17675,7минг бошдан 60 800 минг бошга ёки 344,0 фоизга ошган (8-жадвал).

Қорамолчилик асосан суғориладиган ҳудудларда фаолият кўрсатаётган жамоа ва ширкат хўжаликларида мужассамлашган. Бу хўжаликларда ем-хашак етиштирилиб, қорамолчиликнинг ривожлантирилиши учун замин яратилади. Қорамолчилик эса ўз навбатида, хўжаликланинг бошқа соҳаларини ривожлантиришга ҳисса қўшади. Демак, хўжалик тармоқлари узаро боғлиқ ҳолда ривожлантирилиши мақсадга мувофиқдир. Лекин, ҳозирги даврда бу ҳолат илмий ва амалий жихатдан асосланган алмашлаб экиш талабларига тўлиқ риоя этилмаётганлиги сабабли бузилмоқда. Чунончи, экин майдонлари таркибида ем-хашак экинларининг салмоғи меъёрига нисбатан анчага қисқарган. Масалан, 2010-2015 йилларда экин майдонларида ем-хашак экинлари салмоғи ўртача 5,3 фоизни ташкил этган. Шундан 3,7 фоизи кўп йиллик экинлар ҳиссасига тўғри келади. Айниқса, Мирзачўл, Сурхон, Шеробод ва Қарши чўлларида жойлашган фермер хўжаликларида у сезиларли даражададир. Оқибатда биринчидан, қорамолчилик учун тўйимли ҳисобланган ем-хашак етарли даражада етиштирилмаётир. Иккинчидан эса, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, тупроқ унумдорлиги пасаймоқда. Алмашлаб экиш шу тарзда давом эттирилса, унда талайгина майдонлар унумдорлиги пасайиб, қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиши мумкин.

Чорва моллари бош сонининг ўсиб бориши ва тармоқда ишлаб чиқаришни жадаллаштириш тадбирлари натижасида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш суръатлари ўсиб бормоқда (9-жадвал).

Республикада чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикаси
(барча тоифадаги хўжаликларда), минг тоннада

Кўрсаткичлар	2004 Йил	2006 йил	2008 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2015 й. 2004 й.га нисбати., % да
Гўшт (вазн.)	598,2	679,4	768,0	855,0	1564,2	1672,9	1787,8	1906,3	2033,5	339,9
Сут	4280,5	4855,6	5426,3	6169,0	6766,2	7310,9	7885,5	8431,6	9028,2	210,9
Тухум, млн. дона	1860,3	2128,1	2431,5	3058,8	3441,7	3873,7	4388	4950,0	5526,0	297,1
Жун (физик оғирлик.)	19,0	21,4	23,8	26,5	28,7	31,1	32,5	34,4	34,7	182,6
Қорақўл тери, минг дона	674,8	726,8,8	897,0	934,9	1022,4	1116,9	1062,1	1061,3	1063,2	157,5
Пилла	19,9	16,9	20,3	23,5	24,7	25,1	25,5	26,1	25,0	125,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари.

Чорвачилик тармоғини ривожлантириш аҳолини гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, қайта ишлаш саноатини хомашё билан таъминлаш, бандликни таъминлаш ва инсонларнинг даромадларини оширишга хизмат қилади. Барча тоифадаги хўжаликлар бўйича 2015 йилда 2004 йилга нисбатан гўшт ишлаб чиқариш ҳажми 339,9 %га, сут 210,9 %га, тухум 297,1 %га, жун 182,6 %га, қоракўл тери 157,5 %га ва пилла 125,6 %га ўсганлиги ижобий натижадир (8-жадвал).

Республикамиз ҳукуматининг чорвачилик тармоғини комплекс ривожлантириш дастурларида асосий эътибор чорва молларининг наслини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш, тармоқда сервис хизматини ривожлантириш ва чорвачиликнинг озуқа базасини яхшилашга қаратилган.

Бунинг учун:

- чорвачилик тармоғининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш;
- наслчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш;
- тармоқда сервис хизмати, жумладан, зооветеринария хизматлари кўрсатиш сифати ва ассортиментини ошириш;
- паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва пиллачилик соҳаларини ривожлантиришга ҳам эътибор қаратиш;
- чорва молларини юқумли касалликлар муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш;
- озуқа экинларини майдонларини кенгайтириш ва оптимал жойлаштириш, бунда лалми ерларда чорва моллари учун озуқа етиштириш кўламини кенгайтириш тадбирларини амалга оширишга алоҳида эътибор берилади.

2.2. Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларга нарх белгилаш механизми таҳлили

Республикамиз қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларда ер-сув, мулкый-таркибий, молия-

кредит, солиқ ва нарх ҳамда тармоқни модернизациялаш ва рақобатбардошлигини ошириш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда.

Ер ва сув ислохотлари ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини ошириш, ер ижараси ва ер солиғи муносабатларини такомиллаштиришга йўналтирилган. Агар 1998 йилда қабул қилинган “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунга мувофиқ “фуқароларга фермер хўжаликларини юритиш учун ер участкалари 50 йилгача бўлган, лекин 10 йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилиши” кўзда тутилган бўлса, 2004 йилда янги таҳрирда қабул қилинган “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунга мувофиқ “фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари танлов асосида ижарага 50 йилгача бўлган, лекин 30 йилдан кам бўлмаган муддатга бириктирилиши” белгилаб берилди.

«Маълумки, биз қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу вазифа энг муҳим устувор йўналишлардан бири бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, мамлакатимизнинг иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, нафақат қишлоқ меҳнаткашлари, балки бутун Ўзбекистонимиз аҳолисининг моддий фаровонлигини ошириш бебаҳо бойлигимиз бўлган еримизнинг унумдорлиги, унинг сифатини мунтазам яхшилаб бориш билан узвий боғлиқдир. Қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлигини муттасил юксалтириш вазифаси биринчи навбатда суғориладиган ерларнинг унумдорлиги ва ирригацион-мелиоратив ҳолатига боғлиқ. Илмий тадқиқот ишларининг натижаларига кўра ўртача шўрланган ерларда экинларнинг ҳосилдорлиги шўрланмаган ерларга нисбатан 50-60 % га, ўта шўрланган ерларда эса 90-100 % га паст бўлиши аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотларига қараганда 2009 йилнинг 1 январи ҳолатида республика

бўйича жами 4 297,1 минг гектар суғориладиган ерларнинг 2 171,7 минг гектари ёки 50,6 % ини у ёки бу даражада шўрланган ерлар ташкил этган бўлиб, уларнинг 1344,6 гектарини ёки 31,3 % ини кам шўрланган ерлар, 664,4 минг гектарини ёки 15,5 % ини ўртача шўрланган ерлар ва 162,7 минг гектарини ёки 3,8 % ини ўта шўрланган ерлар ташкил этган. 2009 йил охирига келиб республикада суғориладиган ерларнинг ўртача балл-бонитети 100 баллик шкалада 55 баллга тенг бўлган.

10-жадвал

Республика бўйича мелиоратив тадбирларларга ажратилган маблағлар, млрд.

сўмда

Тадбирлар номи	Жами 2008-2015 йилларда	шу жумладан:							
		2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил
Мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш ишларига	682,85	22,4	57,3	63,8	81,7	85,01	109,29	120,7 5	142,6
Мелиоратив объектларни таъмирлаш-тиклаш ишларига	688,52	38,6	48,1	59,2	77,0	90,5	96,52	111,6	167,0
Лизинг асосида мелиоратив техникалар етказиб беришга	212,5	29,3	25,4	27,2	20,0	25,7	24,3	29,0	31,6
Жами	1 583,87	90,3	130,8	150,2	178,7	201,21	230,11	261,3 5	341,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари

Вужудга келган аҳволни эътиборга олиб ҳукуратимиз томонидан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга катта эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932 сонли “Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг тизимларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва 2007 йил 31 октябрдаги “2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурини амалга ошириш тўғрисида” ги 718-сонли қарорининг қабул қилиниши бу борада

улкан ишларнинг бошланиши бўлди. Давлат дастури амалга оширилаётган 2008-2015 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган ирригация-мелиорация тадбир-ларини молиялаштиришга давлат бюджетидан йирик маблағлар ажратилди. Жумладан, 2008 йилда шу мақсадлар учун жами 90,3 млрд. сўм ажратилган бўлса, 2015 йилга келиб бу кўрсаткич 341,2 млрд. сўмга етди. 2008-2015 йиллар оралиғида жами ажратилган маблағлар қиймати эса 1 583,87 млрд. сўмни ташкил этди. (10-жадвал)

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” деб номланган маърузараларида таъкидланганидек, 2008-2014 йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури доирасида амалга оширилган йирик ва кенг қамровли ишлар натижасида 1 миллион 700 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бу жами экин экиладиган майдонларнинг ярмидан зиёди демакдир. Ана шундай ишлар туфайли сизот сувлари энг оғир даражада, яъни, 2 метргача юзада жойлашган ерлар қарийб 500 минг гектарга ёки учдан бирига камайди, кучли ва ўртача шўрланган ерлар эса 100 минг гектарга ёки 12 фоизга қисқарди. Мелиорация тадбирлари амалга оширилган экин майдонларида пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртача 2-3 центнер, бошоқли дон экинлари бўйича эса 3-4 центнерга ошгани бу борада эришган энг муҳим натижамиздир.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларнинг иккинчи босқичи 2013 йилдан бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ-1958-сонли Қарори билан тасдиқланган “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув

ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастури”да қуйидагиларни амалга ошириш белгиланган (11-жадвал):

11-жадвал

**“Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш
Жамғармаси” маблағлари ҳисобидан 2013-2017 йилларда
суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари
прогноз параметрлари**

№	Тадбирлар номи	Ўл- чов бир.	2013- 2017 й. прогноз	Шу жумладан:				
				2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил
I. Мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш:								
1.	Коллекторларни қуриш ва реконструкция қилиши	км	3 852	793	803	811	752	693
	- ёпиқ горизонтал дренаж тармоқларини	км	1 257	106	250	295	300	306
	- вертикаль дренаж қудуқларини	дона	907	110	188	199	205	205
	- мелиоратив насос станцияларини	дона	35	12	10	7	3	3
	- кузатув тармоқларини	дона	5 012	1 665	1 336	815	605	591
	- гидроқурилмаларни	дона	226	50	44	44	44	44
II. Мелиоратив объектларда таъмирлаш-тиклаш ишлари:								
3.	Очиқ коллектор-дренаж тизим-ларда таъмирлаш-тиклаш ишлари	км	75507	12090	14494	15339	16279	17305
	- ёпиқ горизонтал дренаж тармоқларини	км	8 082	999	1 503	1 597	1 753	2 230
	- вертикаль дренаж қудуқларини	дона	3 639	550	685	815	793	796
	- мелиоратив насос станцияларини	дона	126	26	25	27	24	24
	- гидроқурилма ва коллекторлар (дюкерлар, акведуклар ва бошқ.)	дона	881	142	174	199	180	186
	- қувурли ўтиш жойлари	дона	6 685	1 381	1 321	1 385	1 375	1 223
III. Махсус қурилиш, сув хўжалиги ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш:								
5.	Лизингга мелиоратив техникалар, машина ва механизмлар етказиб бериш	дона	836	189	188	165	152	142

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги 1958-сонли Қарорига 2-илова.

1. “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси” маблағларидан молиялаштириладиган суғориладиган ерларни мелиоратив яхшилаш бўйича ишларнинг прогноз параметрларида:

- мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш: очик коллекторлар - 3852 км, ёпиқ горизонтал дренажлар - 1257 км, вертикал дренаж қудуқлари - 907 та, мелиоратив насос станциялари - 35 та, кузатув тармоқлари - 5012 та, гидроқурилмалар - 226 та;

- мелиоратив объектларни таъмирлаш тиклаш ишлари: очик коллекторлар - 75507 км, ёпиқ горизонтал дренажлар - 8082 км, вертикал дренаж қудуқлар - 3639 та, мелиоратив насос станциялари - 126 та, гидроқурилмалар - 881 та, қувурли ўтказгичлар - 6685 та;

- сув хўжалиги қурилиши ташкилотлари ва эксплуатация ташкилотларининг моддий-техникавий базасини яхшилашга мелиоратив техникалар, машиналар ва механизмларни лизинг асосида етказиб бериш – 836 дона.

2. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига молиялаштириладиган ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилишнинг прогноз параметрларида: каналларни қуриш ва реконструкция қилиш - 2103 км, гидроқурилмаларни қуриш ва реконструкция қилиш - 96 та, сув ўтказгич қувурлар - 75 км, сел сув омборлари - 40 млн. м.куб сифимга эга, қуввати 97 куб. м/с. бўлган насос станциялари, қирғоқларни мустаҳкамлаш ишлари - 36 км (12-жадвал).

3. Сув истеъмолчилари ва фермер хўжаликлари уюшмаларининг маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган суғориш тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш прогноз параметрлари:

- суғориш тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш: каналлар - 492645 км, лоток тармоқлари - 65926 км, гидроқурилмалар - 174110 та, насос агрегатлари - 11533 та, фермер хўжаликларининг сув ажратиш жойлари - 252650 та.

**Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан марказлашган
инвестициялар ҳисобидан молиялаштирилладиган 2013-2017 йилларда
ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилишнинг
прогноз параметрлари**

№	Тадбирлар номи	Ўлчов бир- лиги	2013- 2017 йилларга прогноз	шу жумладан:				
				2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 Йил	2017 Йил
1.	Каналларни қуриш ва реконструкция қилиш	км	2 103	286	373	420	502	522
2.	Гидроқурилмалар қуриш ва реконст-рукция қилиш	дона	96	4	12	20	23	37
3.	Қуриш ва реконструкция қилиш:							
3.1.	Насос станцияларини	м.куб. /сек	97	8	8	16	25	40
3.2.	Насос станцияларининг босимли кувурларини	км	75	11	10	11	15	28
4.	Қуриш ва реконструкция қилиш:							
4.1.	Қирғоқларни мустаҳкамлаш қурилмаларини	км	36	7	7	7	7	8
4.2.	Сел-сув омборларини	млн. м. куб	40	9	5	7	8	11

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги 1958-сонли Қарорига 2-илова.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати

Ер турлари	Ўлчов бирлиги	2001 йил	2015 Йил	2015 й. 2001 й.га нисб., (+, -)
Шўрланмаган	минг га	1928,0	2261,7	+ 333,7
Жамига нисбатан	%	45,3	52,5	+ 7,2
Кучсиз шўрланган	минг га	1212,9	1344,7	+ 131,8
Жамига нисбатан	%	28,5	31,2	+ 2,7
Ўртача шўрланган	минг га	893,3	586,9	- 306,4
Жамига нисбатан	%	21,0	13,6	- 7,4
Кучли шўрланган	минг га	218,4	113,5	- 104,9
Жамига нисбатан	%	5,1	2,6	- 2,5
Жами суғориладиган ер майдони	минг га	4252,6	4306,8	+ 54,2
Жамига нисбатан фоизда	100	100	100	

Манба: Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида

Республикада 2013-2015 йилларда “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури” доирасида амалга оширилган ишлар ҳажми кўрсаткичлари 14-жадвалда келтирилган.

14-жадвал

Республикада 2013-2015 йилларда “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастури” доирасида амалга оширилган ишлар

№	Тадбирлар йўналиши	Амалга оширилган ишлар
1.	Мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш	<ul style="list-style-type: none"> - 890,2 км каналлар; - 192,9 км лоток тармоқлари; - 42 дона гидротехник иншоотлар; - умумий қуввати 32,9 м³/сек насос станциялар; - 48,3 км узунликда босимли қувурлар; - 25,4 км қирғоқларни ҳимоялаш ишлари; - 325 млн.м³ сифимли сув омборлари; - 2575 км очик коллекторлар; - 487 км ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқлари; - 27 дона мелиоратив насос станцияси; - 399 дона мелиоратив тик қудуқлар; - 141 дона гидротехник иншоотларида қуриш ва реконструкция қилиш ишлари.
2.	Мелиоратив объектларда таъмирлаш- тиклаш ишлари	<ul style="list-style-type: none"> - 36960 км очик коллекторлар; - 1600 км ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқлари; - 52 дона мелиоратив насос станцияси; - 1330 дона мелиоратив тик қудуқлар; - 4700 дона гидротехник иншоотларида таъмирлаш-тиклаш ишлари.
3.	Лизингга мелиоратив техникалар, машина ва механизмлар етказиб бериш	“Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси томонидан 477 та техника етказиб берилди.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ҳукумат кафолати остида хорижий инвестицияларни жалб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги

вазирлигининг маълумотларига қараганда 2015 йилда ҳукумат қарорлари остида қишлоқ хўжалигига киритилган хорижий инвестициялар бўйича жами 16 та лойиҳа амалда бўлиб, уларнинг умумий қиймати 1 101,02 млн. АҚШ долларига тенг. Шундан 2015 йилда 81,94 млн. АҚШ долларига тенг хорижий инвестицияларни ўзлаштириш кўзда тутилган. Бу лойиҳалар асосан қишлоқ жойларда инфратузилмаларни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш, ирригация-мелиорация объектларини қуриш, таъмирлаш ва қайта тиклаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун экскаваторлар, бульдозерлар, насослар ва бошқа ускуналар харид қилиш, сув ресурсларини бошқариш каби мақсадларга сарфланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра 2013-2015 йилларда амалга оширилган тадбирлар натижасида ўрта ва кучли шўрланган ер майдонлар 81,3 минг гектарга, сизот сувлари сатҳи 2 метргача бўлган майдонлар 127,3 минг гектарга қисқарди. Ушбу вазифаларнинг ҳал этилиши натижасида:

- суғориладиган ерларда ер ости сизот сувлари сатҳи ва шўрланиш даражаси пасайиб, экин майдонларининг мелиоратив ҳолати янада яхшиланади;

- хўжаликларни сув билан таъминлаш тизими яхшиланиб, сув ресурсларидан самарали фойдаланишга имкон яратилади;

- пировард натижада қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ортиб, хўжаликларнинг даромадлари ошишига олиб келади.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида юксак инновацияларга асосланган ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали тармоқни модернизациялаш масалалари шу куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда. Шу муносабат билан, қишлоқ хўжалигида илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва уни амалда қўллаш, бизнинг иқлим шароитимизда ғоят муҳим аҳамият касб этадиган замонавий суғориш тизимларини барпо этиш, ресурс ва энергияни тежайдиган замонавий

техника ва агротехнологияларни амалиётга жорий этиш асосида ҳосилдорликни ошириш масалалари ҳал қилувчи аҳамият касб этиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалигини модернизациялашда экинларни суғоришнинг илғор, замонавий усулларини жорий этишнинг аҳамияти катта. Мутахассисларнинг фикрича томчилатиб суғоришнинг боғ ва токзорларда қўллаш орқали сув сарфини 40-60 %га, меҳнат сарфини 25-30 %га тежаш ва ҳосилдорликни 20-25 %гача ошириш, сабзавот-полизчиликда қўллаш орқали эса сув сарфини 50-55 %га, меҳнат сарфини 50-60 %га тежаш ва ҳосилдорликни 55-65 %гача ошириш мумкин (15-жадвал).

14-жадвал

Томчилатиб суғоришни қўллашнинг самараси

Экин тури	Сув тежалиши, %да	Меҳнат сарфининг камайиши, %да	Ҳосилдорликнинг ошиши, %да
Боғ-токзорлар	40-60	25-30	20-25
Сабзавот-полиз экинлари	50-55	50-60	55-65

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

Республикамиздаги сув танқислиги шароитида суғоришнинг замонавий усулларини қўллаш орқалигина қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини барқарор ошириб бориш ва аҳолининг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 июндаги “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 176-сонли Қарори билан томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш устувор тартибда:

- вегетация даврида сув ресурслари ўртача кўп йил тақчил бўлган суғориладиган ер участкаларида, шунингдек суғориш сувини юқорига

кўтаришда катта харажатлар қилинадиган машина билан суғориладиган ерларда;

- боғлар, узумзорлар, сабзавот-полиз маҳсулотлари ва бошқа юқори рентабелли экинлар учун ажратилган ер участкаларида;

- ирригация эрозиясига учраган кучли нишабли ер участкаларида;

- шўрланмаган ва кам шўрланган енгил тупроқли текис ер участкаларида амалга оширилиши белгилаб берилган.

Кейинги йилларда республикамизнинг бир қатор ҳудудларида экинларни суғоришнинг янги технологиялари синовдан ўтмоқда ва қўллашга тавсия этилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастури”га мувофиқ 2013-2017 йилларда жами 104 600 гектар майдонда суғоришнинг замонавий усуллари жорий этиш кўзда тутилган (16-жадвал).

16-жадвал


Республикада 2013-2017 йилларда суғоришнинг замонавий усуллари жорий этишнинг прогноз кўрсаткичлари, гектарда

Суғоришнинг жорий этиладиган муқобил усуллари	Жами 2013-2017 йилларда	шу жумладан:				
		2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 Йил	2017 Йил
Боғлар, узумзорлар, сабза-вот ва полиз етиштиришда томчилатиб суғориш технологияси	25 000	3 500	5 000	5 300	5 500	5 700
Пахтани кўчма эгилувчан қувурлар орқали суғориш технологияси	34 000	500	6 500	7 000	10 000	10 000
Пахтани пленка қопланган эгат орқали суғориш технологияси	45 600	600	8 000	10 000	12 000	15 000
Жами	104 600	4 600	19 500	22 300	27 500	30 700

Манба: “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастури” асосида тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига караганда республикамизда 2011-2015 йилларда жами 47356,0 гектар экин майдонларида томчилатиб суғориш, 19214,0 гектарда

эгатга полиэтилен плёнка тўшаб суғориш, 18418,0 гектарда кўчма эгилувчан қувурлар орқали суғориш технологиялари жорий этилган (2-расм).



2-расм. Республикада 2011-2015 йилларда суғоришнинг замонавий усуллари жорий этилган экин майдонлари, гектарда

Истиқболда суғоришнинг илғор технологияларини жорий этиш ишлари тизимли равишда давом эттирилади ва бу глобал сув танқислиги шароитида экинларни сув билан таъминлаш ва ҳосилдорликнинг ошиб боришига замин яратади. Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишда уруғчилик-селекция ва нав танлашнинг аҳамияти катта. Мамлакатимиз олимлари томонидан қишлоқ хўжалиги экинларининг серҳосил, турли касалликларга чидамли ва республикамиз иқлим шароитларига мослашган навларини яратиш ҳамда чет эллардан истиқболли навларни олиб келиб маҳаллийлаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда республикамизда:

- ғўзанинг турли ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларига мослашган, шўрланиш, қурғоқчилик, гармсел ҳамда хавфли касаллик ва зараркундаларга чидамли бўлган тезпишар, серҳосил ва тола сифати юқори бўлган 30 та янги навлари яратилган;

- буғдой ва арпанинг 40 дан зиёд янги навлари яратилиб, Давлат нав синовидан ўтказилган, уларнинг бошланғич уруғчилиги барпо этилган. Янгидан яратилган маҳаллий навлар жами ғалла экин майдонларининг 20 фоизини эгалламоқда;

- сабзавот, полиз ва картошканинг 12 та, мева ва узумнинг 12 та янги навлари яратилган. Республикамизда қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг Давлат реестрини юритилиши йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда мева, сабзавот, картошка ва полиз навларининг 709 тури Ўзбекистон Республикасининг Давлат реестрига киритилган бўлиб, уларнинг 189 тасини маҳаллий навлар ва 520 тасини чет эл навлари ташкил этади (17-жадвал).

жадвал

17-

**Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрига киритилган мева,
сабзавот, полиз ва картошка навлари**

Кўрсаткич	Жами	шу жумладан:	
		маҳаллий навлар	чет эл навлари
Экин навлари тури	709	189	520

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 18 октябрда 2518-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Пахта хом ашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низом”га мувофиқ, юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликлари бир йил давомида қуйидаги имтиёزلардан фойдаланиши мумкин:

- фермер хўжалигининг пахта экиладиган жами ер майдонининг камида 5 фоизига қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини экиш. - қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун ажратилган ер майдонларида агротехник тадбирларни амалга ошириш учун таъминотчи ташкилотлар билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш

орқали мазкур ер майдонининг ҳар бир гектарига экилган экин тури учун амалдаги технологик карталарда тавсия этилган меъёрлар бўйича дизель ёқилғиси ва минерал ўғитларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан декларация қилинган нархларда (таъминотчи устамаси билан) олдиндан 100 фоиз тўловни амалга оширган ҳолда тегишли шохобчалар орқали харид қилиш;

- туман (шаҳар) ҳокимлиги захирасидаги ер майдонлари бўйича ўтказиладиган танловларда фермер хўжалигига 10 баллгача тақдим этиш. Бунда фермер хўжалиги томонидан ҳисобот даврида камида 20 гектар бўлган майдонда юқори ҳосилдорликка эришилганда 2 балл, юқори ҳосилдорликка эришилган майдон ҳар 10 гектарга кўпайганда кўшимча 1 баллдан, 100 гектар ва ундан ортиқ майдонда юқори ҳосилдорликка эришилганда 10 балл тақдим этилади;

- қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш учун тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар бериш;

- фермер хўжалигига Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган енгил автотранспорт воситаларидан («Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ маҳсулоти) хоҳлаган битта моделини фермер хўжалигининг асосий талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварағидан пул маблағларини ўтказиш йўли билан навбатсиз харид қилиш. Бунда фермер хўжаликлари томонидан тегишли сертификатга асосан «Ўзавтосаноат» АК тизимидаги корхоналарга мурожаат этилгандан кейин бир ой муддатда шартномалар тузишни яқунлаш ҳамда «Ўзпахтасаноат» уюшмаси тизимидаги корхоналар томонидан фермер хўжаликларининг пахта якуний ҳисоб-китоб маблағларидан тўлиқ тўлаб берилади;

- қишлоқ жойларида қурилаётган намунавий уй-жойлардан бирини навбатсиз харид қилиш;

- суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етказиб бериш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида ўтказиладиган танловда барча шартлар бўйича тенг балл тўпланган

холларда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликлари имтиёзга эга бўладилар.

Қишлоқ хўжалигини модернизациялашда тармоқни юқори унумли техника ва технологиялар билан таъминлашнинг аҳамияти беқиёсдир. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинаётган ҳайдов ва чопиқ тракторлари ҳамда қишлоқ хўжалиги машиналарининг катта қисми эскириб, ўз хизмат муддатини ўтаб бўлгани сир эмас. Бу масалага мухтарам Президентимиз ўз эътиборларини қаратиб: “Чопиқ тракторларининг 55 фоиздан ортиғи ва ер ҳайдайдиган тракторларнинг 46 фоизи 15 йилдан ортиқ вақт мобайнида ишлатилаётгани, бошқача айтганда, улар белгиланган фойдаланиш муддатини аллақачон ўтаб бўлгани, қуввати, иш унуми ва ёқилғи истеъмол қилиш бўйича замонавий стандартларга жавоб бермайдиган эски техникалар экани ташвиш уйғотмасдан қолмайди¹³”, - деб таъкидлаганар.

18-жадвал

Мамлакатимизда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларини янгилашни даражасининг ҳозирги ҳолати ва прогноз кўрсаткичлари, жамига нисбатан %да

№	Асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалар номи	Хизмат муддати 10 йилдан кам бўлган янги техникалар салмоғи, %	
		1.01.2012 й. (ҳақиқатда)	1.01.2017 й. (режа бўйича)
1.	Қуввати 100 от кучигача бўлган универсал-ҳайдов тракторлари	44	63
2.	Қуввати 150 от кучигача бўлган умумий фойдаланишдаги тракторлар	39	69
3.	Трактор тиркамалари (прицеплари)	27	84
4.	Ер текислагичлар, ш.ж. лазерли	20	74
5.	Органик ўғит сочувчилар	3	100
6.	Плуглар	33	73
7.	Тракторга тиркаладиган культиваторлар	33	65
8.	Пахта чигитини экиш ускуналари	35	67
9.	Буғдой уруғини экиш ускуналари	19	63
10.	Дон ўриш комбайнлари	57	67

¹³ И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон, 2011. -12 б.

11.	Пахта териш машиналари	9	98
12.	Тракторга осиладиган ўриш ускуналари	41	67

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 майдаги “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги ПҚ-1758-сонли қарорига 1-илова асосида тузилган

Маълумотларга қараганда 2012 йилнинг бошида республикада қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинаётган тракторларнинг 56-61 %ини, трактор тиркамаларининг (прицеп) 73 %ини, ер текислагичларнинг 80 %ини, плуглар ва культиваторларнинг 67 %ини, пахта чигитини экиш ускуналарининг 65 %ини, ғалла уруғини экиш ускуналарининг 81 %ини, дон ўриш комбайнларининг 43 %ини ва пахта териш машиналарининг 91 % ини хизмат муддати 10 йилдан ошиб кетган эскирган техникалар ташкил этган (18-жадвал).

Юқорида келтирилган жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2017 йилнинг 1 январига бориб республикада асосий турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари таркибида янги техникаларнинг улушини 63 дан то 100 % гача етказиш вазифаси қўйилган.

Мамлакамизда қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, жумладан тармоқнинг техника паркни кенгайтириш, уни юқори унумли ва ресурс тежовчи замонавий техника-технологиялар билан қуроллантириш масаласи ҳал қилиниши лозим бўлган энг устувор вазифалардан бири сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 майдаги “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги ПҚ-1758-сонли қарори билан 2012-2016 йиллар даврида қишлоқ хўжалигига 22 турдаги умумий сони 64 245 та бўлган тракторлар, трактор прицеplари, плуглар, ер юмшаткичлар, пахта териш машиналари, ўрим-йиғим

комбайнлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги машиналарини етказиб бериш кўзда тутилган (19-жадвал).

19-жадвал

Мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган асосий турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш ва янгилашнинг 2012-2016 йилларга мўлжалланган дастурийнинг бажарилиши

№	Асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларнинг номлари	Жами етказиб бериладиган техника*, донга	Шу жумладан йиллар бўйича:				
			2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил
1.	Қуввати 100 от кучигача бўлган универсал-хайдоров тракторлари	13 870	2 120	2 500	2 750	3 000	3 500
2.	Қуввати 150 от кучигача бўлган умумий фойдаланишдаги тракторлар**	3 700	300	500	700	1 000	1 200
3.	Қуввати 70-80 от кучигача бўлган мах-сус ғилдиракли тракторлар, боғдорчи-ликда ишлатиладиган	900	-	-	-	300	600
4.	Трактор тиркамалари (прицеплари)**	20 300	2 300	3 000	4 000	5 000	6 000
5.	Экскаваторлар	300	-	-	70	100	130
6.	Бульдозерлар	450	-	-	100	150	200
7.	Скрепперлар	120	-	-	30	40	50
8.	Ер текислагичлар, ш.ж. лазерли	1 350	-	-	300	450	600
9.	Органик ўғит сочувчилар	1 000	-	-	200	300	500
10.	Ерни чуқур юмшатгичлар	820	-	150	170	200	300
11.	Плуглар	3 650	150	500	700	1 000	1 300
12.	Ротацион боронлар	610	100	110	120	130	150
13.	Тракторга тиркаладиган культиваторлар**	6 000	500	800	1 200	1 500	2 000
14.	Техника экинлари уруғини экиш ускуналари (пахта чигитини)**	3 450	500	600	750	800	800
15.	Бўғдой уруғини экиш ускунаси	300	-	-	50	100	150
16.	Майда уруғли экинлар экинлари уруғини экиш ускуналари	300	-	-	50	100	150
17.	Пуркагичлар**	3 080	780	800	500	500	500
18.	Дон ўриш комбайнлари	1 080	140	220	230	240	250
19.	Пахта териш машиналари	1 220	200	220	240	260	300
20.	Пресс-подборщиклар	875	100	150	175	200	250

21.	Тракторга осиладиган ўт ўргичлар	350	-	-	50	100	200
22.	Озиқа йиғувчи тиркама машиналар	520	-	-	150	170	200

* Ишлаб чиқариш ҳажми ҳар йили буюртма компанияси яқунларидан келиб чиқиб ҳақ тўлашнинг аниқ манбаларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаштирилади.

** Техникаларнинг юқори унумли турларини ўзлаштиришни ҳисобга олган ҳолда.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 майдаги “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги ПҚ-1758-сонли қарорига 1-илова асосида тузилган


Ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши қишлоқ хўжалигининг техника таъминотини сифат ва миқдор жиҳатдан янги босқичга кўтариб, ёқилғи, уруғлик ва жонли меҳнат сарфини сезиларли равишда тежаш имконини беради.

Қишлоқ хўжалиги модернизациялаш дастурларида ўсимликчилик билан бир қаторда чорвачилик тармоғини модернизациялашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикамиз ҳукуматининг чорвачилик тармоғини комплекс ривожлантириш дастурларида асосий эътибор чорва молларининг наслини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш, тармоқда сервис хизматини ривожлантириш ва чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган. Бунинг учун:

- чорвачилик тармоғининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш;
- наслчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш;
- тармоқда сервис хизмати, жумладан, зооветеринария хизматлари кўрсатиш сифати ва ассортиментини ошириш;
- паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва пиллачилик соҳаларини ривожлантириш;
- чорва молларини юқумли касалликлар муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш;
- озуқа экинларини майдонларини кенгайтириш ва оптимал жойлаштириш, бунда лалми ерларда чорва моллари учун озуқа етиштириш кўламини кенгайтириш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Кейинги чорвачилик тараққий этган мамлакатлардан зотдор молларни олиб келиб, урчитишни ташкил этишга жиддий эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, 2006-2015 йиллар мобайнида Украина, Белоруссия, Польша, Австрия, Германия, Голландия ва бошқа Европа мамлакатларидан 60 438 бош насли голштинфриз (Германия, Польша), қора-ола (Белоруссия, Украина), қизил-чўл (Украина), симентал (Австрия) зотларга мансуб юқори махсулдор урғочи қорамоллар келтирилди ва улардан 184 262 бош насли бузоқлар олинди (3-расм).

Четдан келтирилган моллардан олинган бузоқлар сони 99 минг бошдан ортди. Кейинги йилларида кўпгина наслчилик фермер хўжаликлари янгидан шаклланди. Ҳозирги кунда қорамолчилик йўналишидаги наслчилик хўжаликлари сони 412 тага етказилиб, уларда 99 278 бош юқори наслдор қорамоллар парвариш қилинмоқда. Биргина, 2013 йилда уларда 8,6 мингдан ортиқ насли моллар тайёрланди ҳамда фермер ва деҳқон хўжаликларига сотилди.



3-расм. Республикамизга хорижий мамлакатлардан келтирилган насли қорамоллар бош сони

Чорва моллари наслини ва махсулдорлигини ошириш бўйича наслчилик–селекция ишларида ҳам ижобий ўзгаришлар сезилмоқда. Аксарият наслчилик тоифасидаги хўжаликларда сигирлардан бир кунда 20-30 килограммдан ёки лактация давомида 6-7 минг кг.дан сут соғиб олинмоқда.

Республикада қорамолларнинг асосий қисми дехқон хўжаликларида парвариш қилинаётганлигини ҳисобга олган ҳолда, қорамолчиликда сунъий уруғлантириш тизимини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Насли уруғлар дастлаб импорт қилинган бўлса, ҳозирда насли буқалар уруғини қадоқлаш технологияси ўзлаштирилди. Бу борада Германиядан келтирилган технологик линия ишга туширилиши республиканинг насли уруғларга бўлган ички талабини тўлиқ қондириш имкониятини берди. Зооветеринария ва сунъий уруғлантириш шаҳобчаларига 2013-2015 йилларда 6314,9 минг бошдан ортиқ сигирлар сунъий уруғлантирилганлиги бу борадаги тадбирларнинг натижаси ҳисобланади.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва инновацион технологияларни жорий этиш борасида давлат томонидан улкан ишлар амалга оширилмоқда. Аммо, бу борада истиқболда амалга оширишимиз лозим бўлган ишларимиз ҳам талайгина.

Жумладан, қишлоқ хўжалигининг техника паркни тубдан янгилаш, суғоришнинг замонавий технологияларини янада кенгроқ жорий этиш асосида сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини мунтазам назорат этиб бориш ва яхшилаш чораларини кўриш, экинларнинг ҳосилдорлиги юқори навларини, чорва молларининг эса маҳсулдор зотларини жорий этиш орқали ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини кескин ошириш каби бир қатор масалаларни нечоғлик муваффақиятли ҳал этилиши истиқболда аграр сектор барқарор ривожланишининг муҳим омиллари ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида инновацион жараёнларни ривожлантириш ва тармоқни модернизациялаш орқали рақобатбардошлигини оширишни давлат томонидан мунтазам ва қафолатли қўллаб-қувватлаш тадбирларини кучайтириш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун биринчи навбатда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш талаб этилади:

- қишлоқ хўжалиги учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш;
- уруғчилик-селекция ва наслчилик ишларини тизимли ва инновацион ёндошувлар асосда йўлга қўйишни кафолатлаш;
- турли касалликлар ва зараркунандаларга қарши курашиш соҳаларида илмий-тадқиқотлар олиб бориш;
- маҳсулотлар сифатини назорат қилиш, сертификатлаш ва стандартлаштириш тадбирларини жаҳон андозалари талабларига мос ҳолда тизимли йўлга қўйиш;
- илм-фан ютуқлари ва илғорлар тажрибасини кенг жорий этиш;
- табиий офатларда кўрсатиладиган молиявий кўмакларни кафолатлаш;
- қишлоқ ҳудудларида ишлаб чиқариш, алоқа, электр таъминоти, йўллар, транспорт-коммуникация тизимлари, сув ва газ таъминоти, ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришни давлат томонидан кафолатланиши;
- ирригация-мелиорация тизимлари, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини мунтазам мониторинг остига олиш ва молиявий қўллаб-қувватлаш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастурларини кенгайтириш;
- маркетинг, реклама ва маслаҳат хизматларини ривожлантириш;
- инвестицияларни рағбатлантиришга йўналтирилган таркибий ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш;
- ноқулай иқлим, жуғрофий шароитлардан жойлашган ва бориш қийин бўлган ҳудудларни ривожлантириш бўйича ёрдам дастурларини амалга ошириш;
- кам даромадли ва ноқулай шароитларда маҳсулот ишлаб чиқарувчи фермерларни молиявий қўллаб-қувватлаш масалалари ва бошқалар.

2.3. Қишлоқ хўжалигини бюджет-солиқ ва молия-кредит механизмлари орқали қўллаб-қувватлашнинг амалдаги тизими

Қишлоқ хўжалигининг давлат билан иқтисодий муносабатлари кенг камровли бўлиб, бунда энг аввало бюджет-солиқ ва молия–кредит механизмлари асосий ўринни эгаллайди (19- жадвал).


Қишлоқ хўжалигининг давлат билан иқтисодий муносабатлари энг аввало қишлоқ хўжалигида энг асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ердан фойдаланиш муносабатларидан келиб чиқади. Ердан фойдаланишда “...ернинг табиий хусусиятлари қишлоқ хўжалигини ташкил этишда ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини унутмаски лозим. Аммо, ҳал қилувчи омил бу - иқтисодий шарт-шароитлардир¹⁴”.

Бозор муносабатларининг ривожланиб бориши билан фермер хўжаликлари ва давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар асосан ердан фойдаланиш ҳамда ер солиғи ундириш масалаларига бориб тақалади.

Республикамизда ернинг давлат мулки сифатида сақланиб қолиши ҳамда иқтисодий муносабатлар тизимида жамият манфаатларининг иштирок этиши қишлоқ хўжалик корхоналарининг бир қисм даромадларини солиқлар сифатида бюджетга ундиришни тақозо этади.

Солиқларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланишидан бўйин товлаш давлат томонидан тегишли жарима ва бошқа санкциялар билан тартибга солиб турилади.

¹⁴ Б.Т.Салимов, М.С.Юсупов. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди., Т.:”Адиб”, 2009, 53 б.



20- жадвал. Қишлоқ хўжалигининг давлат билан иқтисодий муносабатлари тизими

Шу билан бирга давлат солиқ юкининг ишлаб чиқарувчилар учун оғир юк бўлиб тушмаслиги ва солиқларнинг рағбарлантирувчи тусга эга бўлиши учун маълум бир мажбуриятлар олади. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунининг 14-моддасига мувофиқ: “Фермер хўжалигига берилган ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳақ маҳаллий бюджетга тўланадиган ҳар йилги ижара ҳақи тариқасида ер участкасининг сифатига, жойлашган ери ва сув билан таъминланганлик даражасига қараб, ернинг кадастр баҳосини инобатга олган ҳолда белгиланадиган ягона ер солиғи ставкаси миқдоридан ундирилади”.

Ягона ер солиғи қишлоқ хўжалиги тавар ишлаб чиқарувчилари учун жорий этилган бўлиб, у умумдавлат ва маҳаллий даражада солинадиган бир қатор солиқлар (фойда солиғи, мулк солиғи, ер солиғи ва бошқа) ўрнига тўланадиган ягона солиқ тури ҳисобланади (4-расм).



4-расм. Ягона ер солиғига ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари тўлайдиган солиқ турлари¹⁵, 2010 йил


¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2010 йил вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг минтақавий ўқув-семинаридаги “Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг асосий йўналишлари ва тармоқни ривожлантириш ҳамда фермер хўжаликлари фаолиятини такомиллаштириш ва уларни оптималлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги” мавзусидаги маърузаси, 7-слайд

Ягона ер солиғини афзаллиги шундаки у бир нечта солиқларнинг ўрнини босиши билан бир томондан ҳисоб-китобларни енгиллаштира, иккинчи томондан маблағларни тежашга имкон беради.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қиймати Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси томонидан аниқланади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда фермер хўжаликларига ягона ер солиғини ҳисоблаш учун етказилади. Ягона ер солиғи ставкалари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади ва қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматидан фоизларда белгиланади. Ернинг норматив қийматидан фоиз кўринишида белгиланадиган ягона ер солиғи ставкаси 2004 йилдаги 1,0 фоиздан 2011 йилда 6,0 фоизгача ошиб борган, 2016 йилда 0,95 %га туширилди. (5-расм)

5-расм

Қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматидан келиб чиқиб ҳисобланадиган ягона ер солиғининг ставкалари динамикаси, %да



Манба: Ягона ер солиғи ставкалари асосида муаллиф томонидан тузилган

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида фермер хўжаликлари учун бир қатор солиқ имтиёзлари қўлланилади (20- жадвал).

Қишлоқ хўжалиги корхоналарига ягона ер солиғи бўйича назарда тутилган солиқ имтиёзлари¹⁶

Корхоналар турлари	Имтиёзлар объекти	Имтиёзлар тури	Имтиёз бериладиган муддат	Асос
ЯГОНА ЕР СОЛИҒИ БЎЙИЧА				
Янги ташкил этилган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар	Қишлоқ хўжалигини юритиш учун ижарага берилган ер участкаси Мазкур имтиёз тугатилган фермер хўжаликлари базасида ташкил этилган фермер хўжаликларига татбиқ этилмайди; Қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар – ягона ер солиғи тўловчиларга ушбу Кодекс 282-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ер солиғи бўйича имтиёзлар ҳам татбиқ этилади.	Солиқ тўлашдан озод этиш	Давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг 2 йил муддатга	Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, 367-модда. Ягона ер солиғига оид имтиёзлар
ЕР СОЛИҒИ БЎЙИЧА				
Барча қишлоқ хўжалиги корхоналари	Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун янги ўзлаштирилаётган ерлар	Солиқ тўлашдан озод қилиш	Уларни ўзлаштириш ишлари бажариладиган даврда ва улар ўзлаштирилган вақтдан беш йил мобайнида	Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, 282-моддасининг иккинчи қисми, “Ер солиғи бўйича имтиёзлар”
Барча қишлоқ хўжалиги корхоналари	Мелиорация ишлари амалга оширилаётган мавжуд суғориладиган ерлар	Солиқ тўлашдан озод қилиш	Ишлар бошланганидан эътиборан беш йил муддатга	
Барча қишлоқ хўжалиги корхоналари	Янги барпо этилаётган боғлар, токзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерлар, дарахтларнинг қатор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар	Солиқ тўлашдан озод қилиш	Уч йил муддатга	
	Янги ташкил этилган деҳқон хўжаликлари	Солиқ тўлашдан озод қилиш	давлат рўйхатидан ўтказилгандан икки йилга	
Барча қишлоқ хўжалиги корхоналари	Илмий ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ва ўрмон фондидаги ерлари, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжалиklarининг бевосита илмий ҳамда ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлари.	Солиқ тўлашдан озод қилиш	Бутун фаолияти давомида	

¹⁶ Манба: Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ кодекси” асосида муаллиф томонидан тузилган

Иккинчи томондан ер майдонлари қийматининг доимий равишда киматлашиб бориши ҳам ягона ер солиғи суммасининг ўсиб боришига таъсир кўрсатади. Бу ҳолат бориши қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий ҳолати ёмонлашувига сабаб бўлишини олдини олиш учун 2016 йилда ягона ер солиғи ставкаси 0,95 %га туширилди. Бу ҳам қишлоқ хўжалик корхоналарини давлат томонидан қўллаб қўвватлашга мисол бўла олади. (5-расм).

Янгидан ташкил этилган фермер хўжаликлари 2 йил муддатга, боғдорчилик ва узумчилик соҳасида янги ташкил этилган фермер хўжаликлари 5 йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод этилган;

- фермер хўжалигининг лойиҳа асосида ўз ҳисобидан янгидан ўзлаштирган ерлари уларни ўзлаштириш ишлари бажариладиган даврда ва улар ўзлаштирилган вақтдан эътиборан беш йил мобайнида ер солиғидан озод этилган;

- мелиорация ишлари амалга оширилаётган мавжуд суғориладиган ерлар ишлар бошланганидан эътиборан беш йил муддатга ер солиғидан озод этилган;

- янги барпо этилаётган боғлар, токзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерлар, дарахтларнинг қатор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар уч йил муддатга ер солиғидан озод этилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини бюджет-солиқ тизими орқали қўллаб-қувватлаш борасида яратилган кенг имтиёзларга қарамай, ягона ер солиғи ставкасининг йилдан-йилга ошириб борилиши қишлоқ хўжалигининг молиявий натижаларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Жумладан, 2008-2015 йиллар оралиғида республикаимизда пахта хомашёси етиштиришга сарфланган жами харажатлар таркибида ягона ер солиғининг улуши 2,5%дан 4,5 %гача, бошоқли дон етиштириш харажатларида эса 3,9 %дан 6,7 %гача ошган.

Қишлоқ хўжалигини **молия-кредит тизими орқали қўллаб-қувватлаш** биринчи навбатда имтиёзли кредит бериш механизмини қўллаш ҳамда кредитлашни кафолатлаш жараёнини ривожлантириш билан характерланади. Қишлоқ хўжалигини кредитлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор имтиёзлар жорий этилган. Хусусан, фермер хўжаликларига тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан ажратаётган имтиёзли кредитларнинг йиллик фоиз ставкалари тижорат кредитлари фоиз ставкаларидан 2-3 баробар паст бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш сиёсатининг натижасидир ва фермерларнинг молиявий имкониятларини кенгайтиради.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармалар орқали қишлоқ хўжалигини кредитлашда қуйидаги имтиёзлар жорий этилган:

- давлат эҳтиёжлари учун етиштириладиган пахта хом ашёси ва ғалла қийматининг 60-50 фоизи қийматида бериладиган қисқа муддатли имтиёзли кредит йиллик 3 -5 фоизли ставкада;

- тижорат банкларининг “имтиёзли жамғармаси”дан бериладиган кредитларининг йиллик фоиз ставкалари миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;

- тижорат банкларининг фермер хўжаликларига миллий ёки хорижий валютада қарз бераётган кунда биржадан ташқари валюта бозори курси бўйича 10000 (ўн минг) АҚШ долларига тенг қийматдаги микрокредитларнинг йиллик фоиз ставкаси Марказий Банк қайта молиялаштириш ставкасидан ошиқ бўлмаган миқдорда;

- “Микрокредитбанк”нинг маблағлари ҳисобидан бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача бошланғич сармоя учун микрокредитлар йиллик 5 фоизли ставкада, бизнесни кенгайтириш ва

айланма маблағларни тўлдириш учун энг кам иш ҳақининг 500 баробаригача микрокредитлар Марказий Банк қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.

Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит ресурслари ҳисобидан бериладиган имтиёзли кредитларнинг йиллик фоиз ставкалари:

- дастлабки сармояни шаклантиришда Марказий Банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/6 қисми миқдорда;

- қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олиш, фермерлик иншоотларини қуриш учун Марказий Банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/3 қисми миқдорда белгиланган.

- кичик бизнес субъектлари учун 3 йилгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 2000 баробари миқдордаги имтиёзли микролизинг хизматлари бўйича максимал ставкаси йиллик 7 фоиздан 5 фоизга туширилди.”.

ОАТБ “Агробанк”нинг маълумотларига қараганда банк томонидан балиқчилик, паррандачилик, асаларичиликни ривожлантириш ҳамда иссиқхона ташкил этишга қаратилган 540 дан ортиқ лойиҳаларга ажратилган 9,7 млрд. сўм кредитлар ҳисобига 1 723 та янги иш ўринлари яратилган.

Қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилиб, банк томонидан ажратилган 15,0 млрд. сўм кредитлар ҳисобига 18 723 бош қорамоллар, шундан 5 158 бош насли моллар сотиб олинди, фермер хўжаликларига етказиб берилди ва 5 396 та янги иш ўринлари ташкил қилинган.

Агрофирмаларга дехқон ва фермер хўжаликлари билан тузилган шартномалар қийматининг 30 %и миқдорда бўнак маблағларига 375,6 млн. сўм ҳамда минитехника ва агрегатларга 1 665,2 млн. сўм, жами 2 041 млн.сўм кредит маблағлари ажратилиб, кредитлар ҳисобига 631 та янги иш ўринлари яратилган.

Кузатишларнинг кўрсатишича бунга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатмоқда:

- тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларини имтиёзли кредитлаш учун ташкил этилган “имтиёзли жамғарма” ресурслари уларга бўлган талабни қондириш учун етарли эмас;

- бошланғич сармоёга бериладиган кредит қиймати асосий воситаларни шакллантириш ва ишлаб чиқаришни молиялаштириш учун етарли эмас;

- кредитлар асосан қисқа муддатга айланма маблағларни молиялаштириш учун бериледи, инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга бериладиган узоқ муддатли кредитлар ҳажми етарли эмас;

- аксарият фермер хўжаликларида кредитни олишда талаб этиладиган 120-130 % лик гаров таъминоти учун мол-мулк ёки маблағ етишмайди;

- кредит хатарларини кафолатловчи суғурта тизими яхши шаклланмаган.

- кредит олиш шартлари нисбатан мураккаблигича қолмоқда;

- хорижий кредит линиялари талабларининг кўпчилик кичик тадбиркорлик субъектлари учун оғирлиги ва бошқалар.

Кредит олишни рад қилишнинг асосий муаммоларига қуйидагиларни келтириш мумкин:

- фермер хўжаликлари молиявий ҳолатининг барқарор эмаслиги;

- сўралаётган кредит учун таъминотнинг етишмаслиги;

- молиялаштиришга мўлжалланган лойиҳани банк томонидан молиялаштириш учун муҳим деб ҳисобланмаслиги ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалигини имтиёзли кредитлаш тизимининг энг асосий бўғинларидан бири – бу давлат эҳтиёжлари учун етиштирилаётган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини давлат орқали молиялаштириш тизимидир. Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик

маҳсулотлари учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш Молия вазирлиги ҳузуридаги “Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси” томонидан амалга оширилади. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 31 декабрдаги 2165-сонли Фармониға мувофиқ ташкил қилинган.

Давлат буюртмаси бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларға Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлида 2007 йилнинг 14 апрелида 1675-сон билан рўйхатға олинган “Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида Низом”ға асосан имтиёзли кредитлар ажратилади (22-жадвал).

Кредитлар давлат эҳтиёжларига сотиладиган маҳсулот қийматининг 60 фоизигача миқдорларда йиллик 3 фоизлик устама ҳақ тўлаш шарти билан (2 фоизлик қисми банк маржаси) пахта хом-ашёси учун 18 ойгача, ғалла учун йиллик 5 фоизлик устама ҳақ тўлаш шарти билан 12 ойгача бўлган муддатға берилади.


Кредитлар агротехник тадбирлар муддатидан келиб чиққан ҳолда, кўйидаги тартибда ажратилади:

- пахта хом-ашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ҳосил етиштирилаётган йилнинг 1 апрелиға қадар пахта хомашёси қийматининг 25 фоизгача, 1 июлға қадар 50 фоизгача ва 1 сентябрга қадар 60 фоизгача;

- ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ҳосил етиштирилаётган йилнинг 1 январига қадар ғалла қийматининг 30 фоизгача, 1 апрелға қадар 50 фоизгача, 1 июнға қадар 60 фоизгача.


Бунда умумий пахта хомашёси ҳосилининг 100 %и ва ғалла ҳосилининг 50%и давлат эҳтиёжлари учун харид қилинади ва ушбу ҳажмдаги ҳосил қийматининг 60 %и миқдорида кредитлар ажратилади.

Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини имтиёзли кредитлар орқали молиялаштириш тартиби



Манба: “Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси” маълумоти асосида тузилган

Кейинги йилларда фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги “Давлат эҳтиёжлари учун етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб қилиш жамғармаси” маълумотларига кўра 2003-2015 йиллар оралиғида республикада давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси ва ғалла етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига ажратилаётган имтиёзли кредитлар қиймати 2003 йилдаги 309,1 млрд. сўмдан 2016 йилда 2 616,2 млрд. сўмга ошди (6-расм).



6-расм. Республикада 2003-2015 йилларда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларига ажратилган имтиёзли кредитлар, млрд. сўмда

Тижорат банкларининг фермер хўжаликларига ажратилаётган имтиёзли кредитларнинг йиллик фоиз ставкалари тижорат кредитлари фоиз ставкаларидан 2-3 баробар паст бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида фермер хўжаликлари фаолиятини давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш сиёсатининг натижасидир ва фермерларнинг молиявий имкониятларини кенгайтиради.

Бу эса ўз навбатида фермер хўжаликлари фаолиятини давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш сиёсатининг натижасидир ва фермерларнинг молиявий имкониятларини кенгайтиради.

Хўжаликларни тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлаш механизмнинг афзалликлари қуйидагиларда кўринади:

- молиявий маблағларни фермер хўжаликлари томонидан мустақил ишлатиш имконияти яратилади ва олинган кредитлардан самарали фойдаланишга йўл очади;

- фермер хўжаликлари томонидан моддий-техник ресурсларга эҳтиёж бўлмаган ҳолларда тўловларни асоссиз олдиндан амалга ошириш ҳолатларига чек қўйилади;

- хўжаликлар томонидан кредит маблағларидан мустақил ва оқилона фойдаланиши натижасида ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар ва бошқа моддий ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича манфаатдорликни оширади;


- тижорат банклари ва хўжаликларнинг ажратилган кредит маблағларини ўз вақтида қайтарилишида масъулиятини ва манфаатдорлигини янада оширади.

Давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси ва ғалла етиштириш харажатларининг 60 %ини имтиёзли кредитлаш тизими бир қатор афзалликларга эга бўлишига қарамай, бу тизимнинг ўзига хос камчиликлари мавжудлиги ҳам кўзга ташланмоқда. Хусусан, давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хомашёси ва ғаллани тижорат банклари орқали молиялаштириш механизми ҳанузгача эркинлаштирилмаган, яъни фермерларга режалаштирилган ҳосил қийматининг 60%и миқдорида ажратиладиган 3 %ли кредит ҳанузгача харажат моддалари бўйича бўлиб ажратилади ва фермерлар уни токи якуний ҳисоб-китоблар амалга оширилмагунча мустақил ишлатиш имкониятига эга эмаслар.

Имтиёзли кредитлар ажратишда ва якуний тўловларда ҳисоб-китобларни бир-неча ҳисоб рақамлари орқали амалга оширилиши аксарият фермер хўжаликлари раҳбарларининг фикрига кўра, хўжаликлар учун ноқулай бўлиб, улар томонидан ортиқча вақт ва маблағ сарфланишига сабаб бўлмоқда.

Кейинги йилларда фермер хўжалиklarини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжалиklarини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш учун маблағлар ажратиш амалиётда қўлланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 ноябрдаги ПҚ-725-сонли “Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштираётган фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва “Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёсини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхонларини молиявий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан фермер хўжалиklarини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжалиklarини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш учун маблағлар ажратиш амалиётда қўлланилмоқда.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси етиштириш билан шуғулланаётган фермер хўжалиklarини молиявий қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар қиймати 2008 йилда 60 млрд. сўмдан 2015 йилда эса 253,1 млрд. сўмгача ёки 4,2 мартага ошди. 2008-2015 йиллар давомида бу мақсадлар учун ажратилган жами маблағлар қиймати 1289,1 млрд. сўмни ташкил этди ва бу фермер хўжалиklarининг молиявий аҳволини яхшилашга муҳим ҳисса қўшди. Ушбу маблағлар фермерларнинг хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотлар олдидаги қарзларини қисқартиришда салмоқли манба бўлмоқда. (7-расм).



7-расм. Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси етиштирувчи фермер хўжаликларига 2008-2015 йилларда давлат бюджетидан берилётган субсидиялар динамикаси

Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси етиштирувчи фермер хўжаликларига давлат бюджетидан берилётган субсидиялар фермер хўжалиklarини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Аммо, бу тартибни ҳосилдорлиги паст, мелиоратив ҳолати ёмон ва ноқулай жуғрофий-иқлим шароитларида фаолият кўрсатувчи фермер хўжаликлари учун пахта хомашёсидан ташқари давлат эҳтиёжларига харид қилинадиган ғалла ҳамда бошқа турдаги маҳсулотларга ҳам жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Республикада фермер хўжалиklarининг самарали фаолият юритиши ва ривожланиб бориши кўп жиҳатдан улар учун яратилган шарт-шароитларга боғлиқ бўлади. Бу шарт-шароитлар ичида қулай молия-кредит ва солиқ механизмларини шакллантириш муҳим ўрин тутди. Ислохотлар давомида фермер хўжалиklarини молия-кредит ва солиқ механизмлари орқали қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимига асос солинди:

- давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжалиklarининг ишлаб чиқариш бўйича асосий харажатларини молиялаштириш бўйича имтиёзли кредитлаш тизими йўлга қўйилди;

- фермер хўжаликлари учун ерларнинг унумдорлигига боғлиқ бўлган ягона ер солиғи тўлаш бўйича имтиёзлар жорий этилди;

- фермерларга техника воситаларини имтиёзли шартларда лизинг асосида етказиб бериш тартиби жорий этилди;

- фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш тизими яратилди;

- балл-бонитети паст ерларда пахта ва ғалла етиштирадиган фермер хўжаликларининг зарарини қоплаш мақсадида уларга молиявий ёрдам бериш тизими жорий этилди;

- ирригация ва мелиорация тизимини Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш амалиётга жорий этилди.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг самарали фаолият юритиши ва ривожланиб бориши кўп жиҳатдан улар учун яратилган шарт-шароитларга боғлиқ бўлади. Бу шарт-шароитлар ичида қулай молия-кредит ва солиқ механизмларини шакллантириш муҳим ўрин тутди

Тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит сиёсатида деҳқон (юримдик шахс мақомидаги) ва фермер хўжаликлари учун бир қатор имтиёзлар белгиланган бўлиб, уларни қуйидагиларда кўриш мумкин:

- тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан берилган кредитлардан фойдаланганлик учун имтиёзли фоиз ставкаси миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки қайта молиялаш ставкасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;

- “Микрокредитбанк”нинг маблағлари ҳисобидан бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача бошланғич сармоя учун микрокредитлар йиллик 5 фоизли ставкада, бизнесни кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун энг кам иш ҳақининг 500 баробаригача микрокредитлар Марказий Банк қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;

- янги ташкил этилган юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 150 баравари, фермер хўжаликларига эса 300 баравари миқдорида бошланғич сармоя учун йиллик 5 фоизли имтиёзли кредитларни бериш йўлга қўйилди;

- давлат эҳтиёжи учун дон ва пахта етиштирувчи фермер хўжаликларига бериладиган аванс маблағларини олдиндан 3 % имтиёзли фоиз ставкаси билан кредит тарзида берилиши йўлга қўйилди.

Кам ҳосилли ерлар бўйича ҳисоб-китобларда бонитет бали кўрсаткичи 40 ва ҳар бир гектарнинг ҳосилдорлиги 16 центнер бўлган ерлар ҳосилдорликнинг паст даражаси сифатида қабул қилинади. Ҳар гектарнинг ҳосилдорлиги 16 центнердан паст бўлган ерлар бонитет бали кўрсаткичлари 40 бўлган ерларга тенглаштирилади. Бонитет бали 60 дан кам ерларда норматив ҳосилдорлик (24 ц/га) ва фермер хўжалиги олган ҳақиқий ҳосилдорлик ўртасидаги тафовутни эътиборга олган ҳолда кам олинган ҳосилнинг ҳар бир тоннаси учун 250 минг сўмдан молиявий қўллаб-қувватлаш суммаси ҳисобланади.

Республикаимизда қўлланиб келинаётган кам ҳосилли ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси етиштирувчи қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш механизми ривожланган хорижий мамлакатларда амал қилиб келаётган компенсацион тўловлар механизмига ўхшаб кетади. Аммо, хорижий мамлакатларда компенсацион тўловлар асосан ишлаб чиқариш ҳажмини чеклаш дастурларида (ерларнинг бир қисмини оборотдан чиқариш, маҳсулот ҳажмини қисқартириш дастурлари) иштирок этувчи фермерларга нисбатан қўлланилади.

Фермерларни молиявий қўллаб-қувватлашнинг бу механизми кам ҳосилли ерлардаги фермерларнинг даромадларини ошириш ва уларнинг моддий ресурслар етказиб берувчи ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналар олдидаги кредиторлик қарзларини қисқартиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

III-BOB. АГРАР ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларга нарх белгилаш механизмини такомиллаштириш

Бозор иқтисодиятига ўтиш жараёнида фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар етиштириши механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов бу масалада масалада уз эътиборини қаратиб: “...умумдавлат эҳтиёжлари учун етказиб берилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотига оқилона харид нархлари белгилаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим омил бўлади”¹⁷, - деган эдилар.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиши билан олдинлари тўлиқ давлат буюртмаси бўйича харид этиладиган кўпгина маҳсулотларга давлат буюртмаси бекор қилинди. Давлат буюртмаси фақат ғалланинг 50% ва пахтага сақланиб қолинди.

Шунга қарамай, давлат буюртмаси бўйича маҳсулот етиштириш шарт номаларни тузишда қатор камчиликлар учрайди. Хусусан:

- айрим ҳолатларда фермер хўжаликларига давлат буюртмаси асосида маҳсулот етиштиришга ҳосилдорликни режалаштиришда ернинг ҳақиқий балл боритетидан келиб чиқиб эмас, балки ҳокимиятларнинг манфаатларидан келиб чиқиб ҳосилдорликни режалаштириш ҳолатлари учрайди;

- давлат буюртмаси бўйича ўрнатилаётган харид нархлари даражаси ҳозиргача пастлигича қолмоқда ва бу ҳолат ишлаб чиқариш самарадорлигини пасайтиришга олиб келмоқда;

¹⁷ И.А.Каримов, “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”, Т.: Ўзбекистон, 1995, 75 б.

- айрни пайтда фермерларга хизмат кўрсатувчи корхоналор хизматлари нархи, фермерлар томонидан ишлаб чиқариш мақсадларида харид қилинадиган моддий-техника ресурслари баҳолари қимматлигича қолмоқда ва бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари билан қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган саноат товарлари нархлари ўртасида йирик номутаносиблик, яъни “диспаратет” вижудга келмоқда;

- кўп ҳолларда пахта ва ғалла бўйича давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот харид этишда давлатнинг тижорат агентлари вазифасини ўтаётган “Ўздонмаҳсулот” ДАЖ ва “Ўзпахтасаноат” уюшмаси фермерлар билан ўзаро ҳисоб-китобларини амалга оширишда сусткашликка йўл қўйиб, ҳисоб-китоб муддатларини асоссиз чўзиб юборадилар ва бу билан фермерларнинг пул маблағларига эҳтиёж сезадиган мавсумларда айланма воситалар билан таъминлаш ҳолатига салбий таъсир кўрсатадилар;

-давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғаллани тижорат банклари орқали молиялаштириш механизми ҳанузгача эркинлаштирилмаган, яъни фермерлар режалаштирилган ҳосилнинг 50%и миқдорида ўтказиб бериладиган 3% ли кредитни ўз ҳоҳишларига кўра ишлатиш имкониятига эга эмаслар;

-айрим ҳолатларда бозор иқтисодиёти қонуниятини яхши англаб етмаган ҳокимият органлари раҳбарлари режадан ортиқча маҳсулотни ҳам давлатга топширишга мажбур қилиши ҳолатлари учрайди.

Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғаллани имтиёзли кредитлаш фермерларни қўллаб-қуватлашнинг муҳим йўналишларидан биридир. Имтиёзли кредитнинг бу тури фермер хўжаликларининг пахта ва ғалла етиштиришга сарфланадиган харажатлари турларини молиялаштиришга имкон яратади. Айниқса, фермер хўжаликларининг минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоялаш воситалари, ёнилғи-мойлаш материаллари, уруғлик, механизация хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондиришда бу кредит муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Давлат буюртмаси асосида харид этиладиган маҳсулотларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш йўналишлари қуйдаги йўналишларда амалга оширилиши лозим :

- давлат эҳтиёжлари учун харид этиладиган маҳсулотлар учун бериладиган имтиёзли кредитларни ўз вақтида бериш;
- кредитдан фойдаланиш механизминини эркинлаштириш;
- кейинчалик қисқа муддатли имтиёзли кредит ўрнига “фючерс битимлари” механизминини қўллаш, яъни шартномадаги маҳсулот қийматининг 50% ини олдиндан, ҳосилни гаровга қўйган ҳолда аванс тариқасида бериш ва ундан фойдаланишни фермер ихтиёрига бериш.

Кузатишларнинг кўрсатишича давлат эҳтиёжлари учун харид этиладиган маҳсулотларга ўрнатилган давлат харид нархлари хўжаликларининг иқтисодий самарадорлик даражасига жиддий тасир кўрсатмоқда. Айниқса давлат эҳтиёжлари учун ғалла нархининг эркин бозор нархларидан кескин пастлиги фермер хўжаликларининг молиявий ҳолатига салбий таъсирини ўтказмоқда.

Фикримизча, ғаллага давлат харид нархлари белгилашда маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига ҳеч бўлмаганда 25-30% рентабелликни таъминлайдиган “харажатлар плюс” усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чунки, фермернинг буғдай ишлаб чиқаришга сарфлаган харажатларига нисбатан оладиган қайтим, бизнинг назаримизда қисқа муддатли банк кредитлари фоизи даражасидан кам бўлмасагина ишлаб чиқаришга маблағ сарфлаш самаралидир.

Акс ҳолда, фермер бу харажат суммасига тенг бўлган суммани 20-25%ли қисқа муддатли банк депозитларига жойлаштирганда ҳам ундан кўп даромад олиш мумкин эди.

Давлат буюртмаси асосида маҳсулот харид этишда ўрнатиладиган давлат харид нархлари “ҳар қандай об-ҳаво шароити, бозорда таркиб топган мувозанат нархлари даражасидан қатъий назар кафолатли бўлиши лозим. Чунки айрим йилларда бозордаги буғдойнинг мувозанат нархи

маҳсулот таннархини ҳам қопламаслиги мумкин. Шунингдек айрим йилларда об-ҳавонинг ноқулай келиши ишлаб чиқариш харажатларини меъёридан ортиқ сарфланишга ва таннархнинг ошиб кетишига сабаб бўлиши мумкин”¹⁸.

Айрим ҳолатларда давлат буюртмаси бўйича ҳосилдорликни режалаштиришда ернинг балл бонитетидан ортиқча ҳосил белгилаш натижасида ишлаб чиқариш самарадорлигига зиён етказиш ҳоллари ҳам учрайди. Фикримизча, давлат буюртмаси бўйича ҳосилдорлик белгилашда энг аввало ернинг табиий унимдорлиги, ер кадастри орқали ўрнатилган балл банитети катъий равишда асос қилиб олиниши лозим.

Эркин бозор муносабатлари амал қилиб турган барча давлатларда эҳтиёжлари учун харид этиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бозордаги талаб ва таклиф нисбати асос қилиб олинади. Аммо қишлоқ хўжалиги тармоғи хусусиятларидан келиб чиққан ҳамда бозордаги мувозанат нархга тегишли тузатишлар киритиш амалиётда кенг қўлланилади.

Иқлимий шарт-шароитлар таъсирида чалинувчан бўлганлиги туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кафолатланган нархлар орқали сотиб олиниши яхши натижага олиб келади яъни, бу ҳолат фермерларни нархлар пасайиб кетиши ёки ортиқча ҳосил натижасида кўрилиши мумкин бўлган зарарлардан сақлайди.

3.2. Қишлоқ хўжалигини имтиёзли кредитлаш ва солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш йўллари

Қишлоқ хўжалиги соҳасида мавжуд хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики “бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда давлат бошқаруви, тартибга солиш биринчи навбатда деҳқончиликда вақти-вақти билан бўлиб турадиган инқирозларни бартараф

¹⁸ Б.Т. Салимов, М.С.Юсупов. Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди. - Т.: “Адиб”, 2009, 163 б.

этишга, шунингдек қудратли агробизнес билан бўладиган рақобатли курашда фермерларга давлат ёрдами кўрсатишга қаратилади ва жуда кўп ижтимоий ва иқтисодий масалалар мана шундай йўллар билан ҳал этилади¹⁹ .

Республикада фермер хўжаликларини давлат томонидан иқтисодий рағбарлантириш ва қўллаб-қувватлаш йўналишида бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилган. Бу механизм қуйдаги иқтисодий дастаклардан ташкил топган:

- молия-кредит механизми орқали қўллаб-қувватлаш;
- бюджет-солиқ тизими орқали қўллаб-қувватлаш;
- наrx механизми орқали қўллаб-қувватлаш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш;

Фермер хўжаликларини молия кредит тизими орқали қўллаб-қувватлаш биринчи навбатда имтиёзли кредит бериш механизмини қўллаш ҳамда кафолатлаш жараёнини ривожлантириш билан характерланади.

Тижорат банкларининг кредит сиёсатида фермер хўжаликлари учун қуйдаги имтиёзлар берилган (23-жадвал). Хусусан, қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини молиялаштиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида яна бир қатор имтиёзлар жорий этилган. Хусусан, тижорат банкларининг хўжалик юритувчи субъектларга ажратаётган имтиёзсиз (тижорат) кредитининг йиллик фоиз ставкалари 25-30 фоиз ва ундан ҳам юқори бўлаётган бир пайтда, фермер хўжаликларига улар ва бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан ажратаётган имтиёзли кредитларнинг йиллик фоиз ставкалари 4-6 баравар паст бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш сиёсатининг натижасидир ва бу корхоналарнинг молиявий имкониятларини кенгайтиради.

¹⁹ Ф. Назарова, “Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш”, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали, 1999, № 2, 26 б.

Фермер хўжаликларига тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан бериладиган кредитлар

Кредитлаш шартлари	Кредит берадиган молия муассасаларининг кредитлаш турлари					
	Тижорат Кредити	«Имтиёзли жамғарма»дан	Давлат буюртмаси (пахта ва ғаллага)	Бошланғич сармоя	Микрокредит	Микрокредит
Кредит ажратадиган муассасалар	Тижорат Банклари	Тижорат банклари	ЎзР Молия Вазирлиги ҳузуридаги Жамғарма	Микрокредитбанк	Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари орқали	Микрокредитбанк
Низом рақами ва санаси	ЎзР АВ*, 07.03.2000 й. № 907	ЎзР ВМ*, 19.05.2000, 195-сон қарори	ЎзР АВ*, 11.08.2005 й. № 1508	ЎзР ВМ*, 06.05.2006 й. 78-сон қарори	ЎзР АВ*, 08.08.2006 й. № 1548-1	ЎзР ВМ*, 06.05.2006 й. 78-сон қарори
Кредит шакли	Имтиёзсиз	имтиёзли	Имтиёзли	Имтиёзли	имтиёзли	Ёзлимти
Кредит бериладиган фаолият турлари ва муддати	-айланма маблағлар учун -2 йилга; -инвестицион лойи-халарни молиялашга - 5 йилгача	-айланма маблағлар учун -2 йилга; -инвестицион лойи-халарни молиялашга - 5 йилгача	давлат буюртмаси асосида маҳсулот етиштиришга: - ғаллага 12 ойгача, - пахтага 18 ойгача	дастлабки (бошланғич) сармойани шакллантиришга 18 ойгача	ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва фаолиятни ривожлантиришга, камида 2 йил	ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун, 24 ойгача
Бериладиган кредит суммаси	Ўзаро келишув Асосида	Ўзаро келишув асосида	Харид қилинадиган пахта ва ғалла қийматининг 50 фоизигача	Энг кам иш ҳақининг 200 бараваригача	10 000 АҚШ долларининг сўмдаги эквиваленти	Энг кам иш ҳақининг 500 бараваригача
Кредит фоизлари	келишув асосида, 25-30 % атрофида	Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 %га тенг, (ҳозир 6 % атрофида)	5-3 %	3 %	Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 1/3 қисми, (ҳозир 4% атрофида)	Марказий банк қайта молиялаш ставкасини 50 %и (6 %гача)
Гаров таъминоти:	Кредит қийматининг 120 % миқдорида, кафиллик хати	Кредит қийматининг 120 % миқдорида, кафиллик хати	Банклар ҳисобидан суғурталанади	Кредит қийматини 120 % миқдорида, кафиллик хати	Кредит қийматининг 120 % миқдорида, кафиллик хати	Кредит қийматини 120 % миқдорида, кафиллик хати

*ЎЗР АВ – Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, *ЎЗР ВМ - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Манба: илмий раҳбар тавсияси асосида муаллиф томонидан тузилган

Ушбу малумотлардан кўришиб турибдики, фермер хўжалигларини имтиёзли кредитлаш йўналишларида давлат томонидан яхши шароитлар яратилган.

Аммо, тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг имтиёзли кредит ресурсларидан фойдаланиш имконияти кўпчилик фермерлар учун очиқ эмас. Кузатишларнинг курсатишича бунга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- кўпчилик тижорат банкларида “имтиёзли жамғарма” ресурслари етарли эмас;

- аксарият фермер хўжаликларида кредитни олишда талаб этиладиган 120% лик кафолат учун мол-мулк ёки маблағ етишмайди;

- кредитлар асосан қисқа муддатга айланма маблағларни молиялаштириш учун берилади, узоқ муддатли кредитлар асосан 3 йилдан ошмаган муддатга берилмоқда;

- турли иншоотлар, бинолар қуриш ва асбоб-ускуналар сотиб олишга ажратилаётган кредитлар ҳажми етарли эмас;

- кредитларни кафолатловчи суғирта тизимида давлат кафолати тизими шаклланмаган;

- бандликка кўмаклашиш жамғармаси молиявий жиҳатдан бақувват эмас, унинг ресурслари ҳозирги кун талабларига жавоб бермайди.

Европа мамлакатларида фермерларни молия билан таъминлаш муаммоси ўта долзарб. ЕИҲ мамлакатларида атиги 25 фоиз фермерлар ўз хўжалигини юритишда шахсий жамғармасига эга, 35 фоизи эса қисман кредитга мурожаат этса, 40 фоизи бутунлай кредитга қарам.

Кўп мамлакатларда имтиёзли давлат кредитлари янги оилаларга ўз фермер хўжалигини тиклаб олиш учун берилади. Францияда шундай имтиёз мавжуд бўлиб, бундай мақсаддаги кредит фоизи 2,75 - 4 фоизгача, тижорат кредити 20 фоизни ташкил этади. Фикримизча, хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда фермер хўжаликларини

молия-кредит механизми орқали кўллаб-қувватлашни қуйидаги йўналишларда такомиллаштириш мақсадга мувофиқ:

- фермерлик иншоатлари, бинолар қуриш, техника воситалари, асбоб-ускуналар ва янги технологияларни ўзлаштиришга йўналтирилган, муддати 5 йилдан 10 йилгача бўлган ва фоизи йилига 8-10 фоиздан ошмайдиган узоқ муддатли кредитлар беришни йўлга қўйиш ва уни кредит рискларидан кафолатлайдиган махсус “кафолат жамғармаси”ни ташкил этиш;

- ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва янги ерларни ўзлаштириш мақсадларига хизмат қилувчи давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирадиган жамғарма фаолиятини кучайтириш (ягона ер солиғининг бир қисмини йўналтириш орқали);

- ерларни узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқини ва бўлғуси ҳосилни кредит учун кафолат сифатида қабул қилиш механизмини кучайтириш ва “ипотека кредити” тизимини кенгайтириш.

Фермер хўжаликлари фаолиятини бюджет-солиқ тизими орқали тартибга солиш ва рағбатлантириш масалалари муҳим аҳамиятга эга. Бозор муносабатларининг ривожланиб бориши билан фермер хўжаликлари ва давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар асосан ердан фойдаланиш ҳамда ер солиғи ундириш масалаларига бориб тақалади. Шундан келиб чиққан ҳолда фермер хўжалигидан ердан фойдаланганлик учун ундириладиган ҳақ, яъни ер солиғи миқдорини асосли белгилаш лозим бўлади.

Бизнингча ягона ер солиғи ставкасининг ошириб борилиши солиқларнинг ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи аҳамиятини пасайтириб юбориши мумкин. Қолаверса, республикамызда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида улар тўлайдиган ягона солиқ тўлови ставкаси 2006-2015 йиллар оралиғида 13%дан 5 %гача бўлганлиги, 2016 йилдан бошлаб ягона ер солиғи 0,95 фоизга пасайтирилганлиги, кичик бизнес субъектларидан бири ҳисобланадиган

фермер хўжаликлари тўлайдиган ягона ер солиғи ставкаларининг камайиб борилиши ислохотлар мазмунига мос бўлиб тушади деб ҳисоблаймиз.

Фермер хўжалиklarини имтиёзли солиқ ставкаси орқали қўллаб-қувватлаш республикамызда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлган “кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик”ни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимининг таркибий қисми сифатида қаралиши ва қишлоқда тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш мақсадларига хизмат қилиши лозим. Шу билан бирга қишлоқ хўжалигининг табиий-иқлимий шарт-шароитлар таъсирида таваккалчиликка ўта мойиллиги фермер хўжалиklarини ташқи таъсирлардан муҳофаза қилувчи солиқ ставкалари қўллашни талаб этади.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун нарх асосий рағбатлантирувчи рол ўйнайди. Чунки нархлар даромадларининг шаклланишига кучли таъсир ўтказади.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва саноат томонидан етказиб берилладиган моддий-техника ресурслари ўртасидаги “паритет” сақлаб бориш бўйича қонун қабул қилиш ва туманларда қайта ишловчи, тайёрловчи ва моддий техник таъминот билан шуғуланувчи корхоналарнинг монопол мавқисини чекловчи давлат дастурларини амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Нархларни шакллантириш асосида маҳсулот етиштиришга сарфланадиган ижтимоий харажатлар асос қилиб олиниши ва у ҳар бир регионнинг ўзига хос шароитларини ҳисобга олиши лозим.

Хулоса ва таклифлар:

Магистрлик иши юзасидан амалга оширилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш бир қатор хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишга имкон яратди:

1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини юксалтиришга имкон яратувчи шарт-шароитлар ичида улар фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари алоҳида аҳамият касб этади.

2. Аграр соҳада инвестицион жозибadorликнинг нисбатан пастлиги ва капиталнинг секин айланиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий–иқлимий шарт-шароитлар (жуғрофий жойлашув, об-ҳаво, экологик мувозанат ҳолати, сув тошқини, жала, дўл, курғоқчилик каби табиий офатлар) таъсирига кучли боғлиқлиги натижасида соҳада тадбиркорликни амалга оширишнинг ўта таваккалчиликка мойиллиги ҳукумат томонидан аграр сиёсатни олиб боришда ҳар томонлама пухта ўйланган ва тизимли ёндошувни талаб этади.

3. Тадқиқот натижаларига таяниб қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари қуйидаги тамойилларга таяниб амалга оширилгандагина ҳар иккала тараф манфаатларига мос келади деб ҳисоблаймиз: илмий англаб етиш; мақсаднинг ягоналиги; тенглик; тизимлилик; ихтиёрийлик; табақалашган ёндошув; самарадорлик; ижтимоий йўналтирилганлик; рағбатлантирувчи йўналиш; кафолатланганлик; индикатив тартибга солиш; паритетни сақлаш; зарурият ва етарлилик даражасидаги аграр протекционизм ва бошқалар.

4. Илмий изланишлар асосида қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг шакллари, усуллари, механизмлари ва дастакларини (регуляторларини) ўз ичига олган қуйидаги тизимли таркибини таклиф этамиз: тартибга солишнинг бевосита ва билвосита шакллари; маъмурий-ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва таркибий-институционал усуллари; меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш,

бюджет-солиқ, молия-кредит, нарх, суғурта, божхона, ташқи иқтисодий, мақсадли дастурлаш, инвестиция, ижтимоий ҳимоялаш, илмий-техник, ахборот-маслаҳат, ва институционал қўллаб-қувватлаш механизмлари, бу механизмларни амалга оширишга хизмат қилувчи бир қатор дастаклар (регуляторлар).

5. Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлашнинг кўп каналли тизими шаклланди. Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш асосида жаҳон амалиётида қўлланиб келинаётган қуйидаги энг асосий механизмларни ажратиб кўрсатиш мумкин: мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги давлат томонидан доимий кафолатланиши; қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг даромадларини ошириш чора-тадбирлари (талабни ошириш ва таклифни камайтириш); ишлаб чиқариш квоталари (масалан экин майдонларини оборотдан чиқариш (консервация) дастурлари); қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини давлат томонидан харид қилиниши (“бепул тушлик талонлари”, “озиқ-овақат талонлари” ва бошқалар); маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга бевосита субсидиялар ажратиш; қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлар ўртасида эквивалент товар айрибошлашни таъминловчи “нархлар паритети”ни таъминлаб бориш; фермерлар маҳсулотлари нархларининг барқарорлигини таъминлаш дастурлари (гаров нархлари ва фарқ тўловлари); таркибий-институционал сиёсат; қишлоқ жойларда ижтимоий масалалар ечимига қаратилган тадбирлар.

6. Республикамиз қишлоқ хўжалигининг ривожланиш хусусиятлари, давлатимиз аграр сиёсатининг устувор йўналишлари ҳамда ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини умумлаштириш асосида мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг энг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни тавсия этамиз: меъёрий-ҳуқуқий таъминот; бозорнинг очиқлиги ва адолатли рақобат муҳитини таъминлаш; қишлоқ хўжалигининг барқарор даромад олишларини қўллаб-қувватлаш; нарх механизми орқали қўллаб-

қувватлаш; имтиёзли солиққа тортиш механизми орқали қўллаб-қувватлаш; имтиёзли кредитлаш механизми орқали қўллаб-қувватлаш; мақсадли давлат дастурлари ва инвестициялари орқали қўллаб-қувватлаш; ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини қўллаб-қувватлаш; моддий-техникавий қўллаб-қувватлаш; ишлаб чиқаришни табиий офатлар ва ноқулай об-ҳаво таъсиридан (рисклардан) химоялаш; инфратузилма таъминоти; ижтимоий таъминот; кадрлар таъминоти; илмий ва ахборот-маслаҳат таъминоти.

7. Давлат буюртмаси бўйича пахта ва ғалла етиштириш қишлоқ хўжалиги корхоналари билан давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг муҳим таркибий қисмидир. Бугунги кунда пахта хомашёсининг 100 %и ва ғалланинг 50% и давлат эҳтиёжлари учун харид этилмоқда. Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш тизимини ўрганиш юзасидан олиб борилган илмий тадқиқотлар бу тизимга хос бўлган бир қатор камчиликлар мавжудлигини кўрсатади.

Биринчидан, бозор муносабатлари ривожланган шароитда давлатнинг фермер хўжаликлари билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш юзасидан муносабатлари кўпроқ маъмурий усулларга таяниб амалга оширилмоқда. Бу эса фермерларнинг мустақил хўжалик юритиш имкониятларини амалда йўққа чиқаради.

Иккинчидан, давлат буюртмаси асосида фермер хўжаликларига пахта ва бошоқли дон ҳосилдорлигини режалаштиришда ҳар доим ҳам ернинг унумдорлиги (балл бонитети) эътиборга олинмайди.

Учинчидан, давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғалла ҳажмини назорат қилишни туман ҳокимиятлари зиммасига юкланиши баъзан давлат буюртмасини бажарган фермерлар манфаатларига зид бўлиб тушмоқда. Баъзан айрим маҳаллий ҳокимият вакиллари туманнинг кўрсаткичларини кўтариш учун фермерларнинг шартномадан ортиқча етиштирган ғалла ҳосилини ҳам давлатга сотишга мажбур қилиши ҳолатлари учрайди.

Тўртинчидан, баъзи ҳолатларда ғалла ва пахта хомашёсини давлат эҳтиёжлари учун харид этишда тижорат агентлари вазифасини ўтаётган “Ўздонмахсулот” ДАЖ ва “Ўзпахтасаноат” худудий бирлашмалари ўзларининг монопол мавқеидан фойдаланиб, фермерларнинг шартнома бўйича давлатга топширадиган маҳсулотлари сифатини (нави, синфи, ифлосланиш ва намлик даражаси каби кўрсаткичлар бўйича) асоссиз равишда пасайтиришга ва бунинг натижасида фермерларга тўланадиган маблағлар қийматини камайтиришга уринадилар.

Бешинчидан, баъзан “Давлат эҳтиёжлари учун харид этиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб жамғармаси” пахта хомашёси ва ғаллани харид қилишда фермерлар билан якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишда сусткашликка йўл қўйиб, ҳисоб-китоб муддатларини асоссиз чўзиб юборади ва бу билан фермерларнинг пул маблағларига эҳтиёж сезадиган мавсумларда айланма воситалар билан таъминлаш ҳолатига салбий таъсир кўрсатади.

Олтинчидан, олиб борилган тадқиқотлар давлат эҳтиёжлари учун харид қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид нархлари даражаси бозор нархларидан пастлигини ва бу ҳолат қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш самарадорлигига салбий таъсир қилаётганини кўрсатмоқда.

8. Қишлоқ хўжалигининг давлат эҳтиёжлари учун етиштираётган **қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нарх белгилаш масаласи** уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва иқтисодий самарадорлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизнинг бозор муносабатларига ўтиши билан қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ноқулай бўлган бир шароитда нархларнинг эркинлаштирилиши моддий-техника ресурслари нархларининг кескин ошиб кетишига олиб келди ва бундан энг кўп агросаноат мажмуасининг I ва III соҳа корхоналари манфаат кўрди. Гарчи ўтган давр мобайнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари ҳам бир неча баробар ўсган

бўлсада, саноат маҳсулотлари нархларининг уларга нисбатан юқори суръатлар билан ўсди. Натижада саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари ўртасида йирик номутаносиблик (диспаратет) вужудга келди.

9. Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича республикада қишлоқ хўжалигини бюджет-солиқ ва молия-кредит механизмлари орқали қўллаб-қувватлаш асосан 5 йўналишда амалга оширилмоқда:

- имтиёзли солиққа тортиш механизмини қўллаш;
- имтиёзли кредитлаш механизмини қўллаш;
- имтиёзли шартларда лизинг хизмати орқали қўллаб-қувватлаш;
- балл-бонитети паст бўлган кам ҳосилли ерларда пахта хомашёси етиштирадиган қишлоқ хўжалигининг зарарини қоплаш мақсадида уларга молиявий ёрдам бериш;

- ирригация ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашни давлат мақсадли дастури ва инвестициялари орқали қўллаб-қувватлаш.

10. Таҳлиллар кредит олишни истовчи барча фермер хўжаликлари учун бирдек кредит олиш имконияти мавжуд эмаслигини кўрсатади. Кузатишларнинг кўрсатишича бунга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатмоқда:

- тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларини имтиёзли кредитлаш учун ташкил этилган “имтиёзли жамғарма” ресурслари уларга бўлган талабни қондириш учун етарли эмас;

- бошланғич сармоёга бериладиган кредит қиймати асосий воситаларни шакллантириш ва ишлаб чиқаришни молиялаштириш учун етарли эмас;

- кредитлар асосан қисқа муддатга айланма маблағларни молиялаштириш учун берилади, инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга бериладиган узоқ муддатли кредитлар ҳажми етарли эмас;

- аксарият фермер хўжаликлариди кредитни олишда талаб этиладиган 120-130 % лик гаров таъминоти учун мол-мулк ёки маблағ этишмайди;

- кредит хатарларини кафолатловчи суғурта тизими яхши шаклланмаган.

- кредит олиш шартлари нисбатан мураккаблигича қолмоқда;

- хорижий кредит линиялари талабларининг кўпчилик кичик тадбиркорлик субъектлари учун оғирлиги ва бошқалар.

Кредит олишни рад қилишнинг асосий муаммоларига қуйидагиларни келтириш мумкин:

- фермер хўжаликлари молиявий ҳолатининг барқарор эмаслиги;

- сўралаётган кредит учун таъминотнинг этишмаслиги;

- молиялаштиришга мўлжалланган лойиҳани банк томонидан молиялаштириш учун муҳим деб ҳисобланмаслиги ва бошқалар.

11. Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва уларга нарх белгилаш механизмларини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги тасияларни илгари сураимиз:

- давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этиштириш ва харид қилиш бўйича ўзаро шартномавий муносабатлари асосан иқтисодий усуллар устуворлигига таяниши ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солиб турилиши мақсадга мувофиқ;

- жаҳон амалиёти тажрибасидан ва республикада аграр тармоқни ривожлантириш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда **“Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида”**ги қонун қабул қилиш зарурияти юзага келмоқда. Ушбу қонун билан аграр тармоқдаги ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар, биринчи навбатда хўжалик юритиш субъектлари ва давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб туриш, бу муносабатларда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, хўжалик

юритиш борасида уларнинг ваколатлари доирасини, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишларини аниқ белгилаб қўйиш лозим;

- фермер хўжаликлари ёки давлат томонидан контрактация шартномаларининг бузилиши ҳолатлари шартнома доирасида, туман хўжалик судлари орқали тегишли жарималар, пенялар ва бошқа жазо чоралари орқали таъминланиши мақсадга мувофиқ;

- жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, қабул қилиниши тавсия этилаётган “Қишлоқ хўжалигини ривожланиши тўғриси”даги қонунда қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ўртасида эквивалент товар айрибошлашни таъминлашга қаратилган **“нархлар паритети”** тўғрисидаги бандни киритиш ва базис даври учун 1990 йилдаги нархлар нисбати асос қилиб олиниши мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва уни қайта ишлаш маҳсулотларидан олинадиган даромадларни адолатли тақсимланишига эришиш мумкин бўлади.

12. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигини давлат томонидан молия-кредит тизими орқали қўллаб-қувватлашда:

- аграр тармоққа хос бўлган бир қатор хусусиятлар таъсирида кўпчилик қишлоқ хўжалигининг молиявий имкониятлари чекланганлиги ва уларда кредит олишда талаб қилинадиган гаров таъминоти (кредит қийматининг 120-130 %и миқдорида) учун мол-мулк етишмаслиги натижасида уларнинг банк кредитларидан фойдаланиш имкониятларини чекланганлигини инобатга олиб, ҳар бир туманда худудий филиаллар тармоғига эга бўлган кредит олиш учун гаров таъминоти бўлмаган фермерларга кафолат берувчи **“Давлат кафолати жамғармаси”**ни яратиш мақсадга мувофиқ. Унинг асосий мақсади гаров таъминоти етарли бўлмаган фермер хўжаликларига тижорат банклари ва бюджетдан ташқариш жамғармалардан кредит олишда кафолат вазифасини ўташдан иборат бўлмоғи лозим;

- тижорат банклари ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларнинг қишлоқ хўжалигини имтиёзли кредитлашга йўналтираётган ресурсларини кўпайтиришни ҳар томонлама рағбатлантириш;

- кредит таваккалчилигини суғурталовчи институционал тузилмаларни кенг ривожлантириш;

- бошланғич сармоя ва микрокредитларнинг қийматини ошириш;

- фермерлик иншоатлари, бинолар қуриш, техника воситалари, асбоб-ускуналар ва янги технологияларни ўзлаштиришга йўналтирилган, муддати 5 йилдан ортиқ бўлган ва йиллик фоизи Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган узоқ муддатли кредитлар беришни йўлга қўйиш;

- ерларни узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқини кредит кафолати учун қабул қилишга имкон берувчи “ипотека кредити” тизими учун ҳуқуқий-меъёрий асосларини яратиш ва ернинг қийматини Давлат ер тузиш, картография, геодезия ва кадастир идораси белгилаган қийматда гаровга қўйиш механизмини ривожлантириш.

13. Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш харажатларини қисқа муддатли “имтиёзли кредитлаш” орқали молиялаштириш тизимидан босқичма-босқич “фьючерс шартномалари” тизимига ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш харажатларини қисқа муддатли “имтиёзли кредитлаш” механизмидан “фьючерс шартномалари”га ўтишнинг афзалликлари куйидагиларда кўринади:

-“фьючерс шартномаси” орқали ажратиладиган маблағларни фермер хўжаликлари мақсадли йўналишда харажат моддалари бўйича эркин ишлатиш имкониятига эга бўлади;

-ҳозир амалда бўлган қисқа муддатли “имтиёзли кредит”ни расмийлаштириш ва мониторинг қилиш билан боғлиқ расмийликлар қисқаради;

-фермер хўжаликлари “имтиёзли кредит” учун тўлаб келаётган фоиз харажатларини банкка тўлашдан қутулади;

-кредит фоизлари ва асосий қарзни сўндириш билан боғлиқ ортиқча ташвишлардан холи бўлади;

тижорат банклари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги ҳисоб-китоблар кўп вақт олмай, сезиларли даражада енгиллашади.

-Фермерлар фаолиятига замонавий агротехник тадбирларни жадаллик билан киритиб боришимиз, бунинг учун эса биринчи навбатда фермерларни ривожланган хорижий давлатларда тажриба алмашишини ташкил этишимиз керак.

-Фермер хўжаликлари фаолиятига хорижий ва маҳллий инвестицияларни кенг жалб қилишда кўмаклашишимиз керак. Бу фермерликни янада ривожлантиришда жуда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда инвестицияларни жалб қилиш учун ҳуқуқий ҳамда иқтисодий томонлама барча қулайликлар мавжуд.

-Доимий равишда фермерларга ҳам иқтисодий ҳам ҳуқуқий шароитларни мустаҳкамлаб боришимиз, хусусан фермерликни ривожлантириш, фермер хўжалиқларининг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг мулкӣ муносабатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирларни амалга оширишимиз керак. Лекин, биз барча фермерларимизни мана шундай иқтисодий жиҳатдан етук бўлишини ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги янада ошиб боришини хоҳлаймиз.

Бунинг учун кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантириш, сувни тежайдиган самарали технологияларни, биринчи навбатда томчилатиб суғоришни, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини уларнинг фаолиятига татбиқ этишга кўмаклашишимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2010
2. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни, //«Халқ сўзи» газетаси, 2004 йил 15 октябр.
3. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни, «Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари», Т.: «Адолат», 1999 й.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари:

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги ПФ-4478-сонли “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони, //«Халқ сўзи» газетаси, 2012 йил 23 октябр.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 май, № ПҚ-1758 қарори «2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида» (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 й., 5-сон, 139-модда*)

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 июль, 215-сон қарори «2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури амалга оширилишини таъминлаш чора-

тадбирлари тўғрисида». (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 333-модда, 36-сон, 412-модда*)

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 18 апрелдаги ПФ-4301-сонли “Фермер хўжалиklarини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 19 апрель.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 августдаги ПҚ-456-сонли «Пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тартибга солиш тўғрисида»ги Қарори/ “Халқ сўзи” газетаси, 2008 йил 30 август.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 октябрдаги ПФ-4041-сонли “Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, // “Ўзбекистон овози” газетаси, 2008 йил 21 октябр.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 майдаги ПҚ-867-сонли “Бошоқли дон экинларини харид қилиш нархлари тўғрисида”ги Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 ноябрдаги ПҚ-725-сонли «Хосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштираётган қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори/ Ўзбекистон овози газетаси, 2006 йил 6 ноябрь.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932-сонли “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида”ги Фармони, // Халқ сўзи газетаси, 2007 йил 30 октябр.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 августдаги ПФ-3114-сонли «Пахта нархларини шакллантириш механизми тўғрисида» Фармони/ «Халқ сўзи», 2002 йил 21 август.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 5 ноябрдаги 755-Ф-сонли фармойиши билан тасдиқланган “2010 йилда ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси етиштирган қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш тартиби”.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлида 2011 йил 7 апрелда 1675-1-сон билан рўйхатга олинган “Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом.

16. Давлат эҳтиёжлари учун харид этиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳисоб-китобни амалга оширувчи жамғарма тўғрисидаги Низом», № 612-1, 25 феврал 2000.

17. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини кичик ва ўрта бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш тўғрисидаги 907-сонли Тартиб», «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик хужжатлари тўплами», Т.: Ўзбекистон, 2002.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 майдаги 78-сон қарори билан тасдиқланган “Микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида вақтинчалик Низом”.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-сон қарори билан тасдиқланган “Тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан кредит бериш тартиби тўғрисида Низом”.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари:

20. И.А.Каримов.. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. – Т.: Ўзбекистон, 2013. – 23 б.

21. И.А. Каримов. 2012 йил Ватанзимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: “Ўзбекистон”, 2012. – 36 б.

22. И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанзимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 32 б.

23. И.А. Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.-56 б.

IV. Асосий адабиётлар:

24. А.Абдуғаниев, А.А.Абдуғаниев, «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», Т.: «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамъармаси», 2004

25. Б.Т.Салимов, М.С. Юсупов. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш. Илмий монография. –Т.: Иқтисодиёт, 2011 й, -245 б.

26. Ғ.А. Саматов ва бошқ., “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш”, Т.:”Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”, 2005.

V. Қўшимча адабиётлар:

27. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси – Т.: Ўзбекистон, 2016.

28. Б.Ходиев, А.Бекмуродов, У.Ғофуров. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози,

Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув кўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

29. В.А. Кундиус. Экономика агропромышленного комплекса: учебное пособие. -М.:КНОРУС, 2010.

30. Б.Т.Салимов, М.С.Юсупов. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди -Т.: “Адиб”, 2009.

31. Доклад о мировом развитии: сельское хозяйство на службе развития. –Всемирный банк. Вашингтон, округ Колумбия, 2009.

32. Ф.Назарова. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон аграр секторини ривожлантириш истикболлари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация ишига автореферат. - Тошкент, 2001.

33. А.А. Фунтикова. Государственное регулирование сельского хозяйства в условиях переходной экономики. автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук, Воронеж-2007.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар:

34. Ф. Назарова, “Қишлоқ хўжалигини кўллаб-қувватлаш”, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали, 1999, № 2, 26 б.

35. Сельское хозяйство Республики Узбекистан за 2004-2015 г.г., Госкомстат Узбекистана, за соот. годы.

VII. Интернет сайтлари:

36. <http://www.mf.uz> - Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги веб портали.

37. <http://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси веб сайти.

38. www.worldbank.org. -Жаҳон Банки маълумотлари.

39.<http://www.bank.uz> - Ўзбекистон Молия бозори сайти.

40.<http://www.lex.uz>- Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

41.<http://www.press-service.uz> - Ўзбекистон Республикаси
Президентининг матбуот хизмати.